

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ
МАКТАБИ

Ахмедова Зарина Ахмедовнанинг
“Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева ижодий мероси ва
унинг ўзбек рақс санъатидаги аҳамияти” мавзусидаги магистрлик
диссертациясига
АННОТАЦИЯ

Тадқиқотнинг долзарблиги. Ўзбек миллий рақс санъати ривожланиш жараёнларида янги анъана ва тенденциялар юзага келмоқда. Кўпгина ансамбллар классик рақс намуналарига мурожаат қилар экан, анъана ва замонавийлик ўртасидаги боғлиқликларни кучайтиришга, янги ижод намуналарини борпо этишга ҳаракат қилмоқда. Баъзи ҳолларда миллий рақс жозибасига путир этиши кузатилмоқда. Мазкур жараёнларда “олтин оралик”ни топишда миллий рақс санъатининг “алифбоси”ни яратиб берган Ўзбекистон Республикаси халқ артисти М.Турғунбоева ижодий меросига мурожаат этиш аҳамияти ошмоқда. Шунингдек, М.Турғунбоева меросига ворислик, мазкур меросни эътироф этиш ва ундан фойдаланиш муҳим масала сифатида ўртага чиқмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади. Мукаррама Турғунбоева яратиб берган ижодий меросни, унинг миллий рақс санъати тараққиётига қўшган ҳиссасини илмий тадқиқ ва таҳлил этиш, ўрганиш, бой бадиий меросини амалиётга тадбиқ этиш ва ёшлар таълими ва тарбиясида аҳамиятини белгилаш ҳамда миллий рақс тараққиётига хизмат қилувчи таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифаси: Мукаррама Турғунбоеванинг ўзбек миллий рақс санъати тарихи, тараққиёт жараёнлари ва миллий рақс фонддини бойитишга қўшган ҳиссаси ва мазкур меросни бугунги кун рақсшунослик илми назарияси ва амалиётида тутган ўрнини аниқлашга доир олиб борилган ишлар кўлами билан юзага чиқади.

Тадқиқотнинг объекти. XX аср ўзбек хореография санъати тарихи, ривожланиш тенденцияларининг юзага келиши ва миллий рақс фондининг бойиши билан боғлиқ жараёнларда намоён бўлади.

Тадқиқотнинг предмети. М.Турғунбоеванинг рақс ижрочилиги, балетмейстерлик, рақс яратиш ва “Баҳор” ансамбли фаолияти билан боғлиқ барча жараёнларни ўз ичига олиб, М.Турғунбоева мероси ва унга ворисийлик масаласида олиб борилган ишлар билан белгиланади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Мазкур тадқиқотда эмпирик-назарий методларнинг кузатиш, таққослаш, таҳлил, индукция, дедукция турларидан фойдаланилди.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги. Ўзбекистон Республикаси халқ артисти М.Турғунбоева меросига авлодлар ворисийлиги масаласи, унинг ижодий намуналарини сақлаш ва келажак авлодга етказиш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлили, миллий рақсда М.Турғунбоева меросидан фойдаланиш эътиқаси илк бор илмий жиҳатдан ўрганилиши ва мазкур масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Ишнинг тузилмасининг тавсифи. Кириш, олти параграфни ўз ичига олган 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб, унинг ҳажми 78 бетни ташкил этади.


Илмий раҳбар

С.С.Агзамходжаева



ф.ф.д. проф. в.б.

Магистрант



З.А.Ахмедова

THE REPUBLIC OF MINISTRY CULTURE

THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN TASHKENT STATE HIGHER SCHOOL OF NATIONAL DANCE AND KHOREOGRAPHY ANNOTATION

on the master's Akhmedova Zarina Akhmedovna on the theme: "The creative heritage of People's Artist of Uzbekistan Mukarram Turgunbaeva and its significance in Uzbek dance art"

The relevance of research. In the process of development of the Uzbek national dance art, new traditions and trends arise. Turning to the samples of classical dance, many ensembles strive to strengthen the relationship between traditions and modernity, to create on this basis new patterns of creativity. Unfortunately, in some cases this damages the originality of the national dance. In this context, the process of searching for the "golden mean", the importance of addressing the creative heritage of the People's Artist of the Republic of Uzbekistan Mukarram Turgunbaeva, which created the "ABC" of the national dance art, is becoming more important. In addition, the issues of careful conservation and use of the creative heritage of M.Turgunbaeva are of particular urgency.

Purpose of the study. The purpose of this study is to research and analyze M.Turgunbaeva's creative heritage and its contribution to the development of the national dance art, to introduce creative art into creative practice, to use it in the process of teaching and educating young talents, and to develop proposals and recommendations for the further development of the national dance.

Objectives of the study: The tasks of this study are determined by the assessment of the contribution of Mukarram Turgunbaeva to the history of Uzbek national dance art, the processes in its development, the importance of its heritage in the development of the theory and practice of dance science in Uzbekistan.

Object of study: The object of the study is the history of the Uzbek choreographic art of the twentieth century, the formation of its development trends and the enrichment of the national dance fund.

The subject of the research: The subject of the research is M.Turgunbaeva's performing and choreography art, creative processes connected with dancing and the activity of the ensemble "Bakhor", the questions of continuity of M.Turgunbaeva's creative heritage.

The research methodology used: In this study, we used such types of empirical-theoretical methods as observation, comparison, analysis, induction and deduction.

Scientific novelty of the study: Scientific novelty is determined by scientific analysis of the issues of continuity of the creative heritage of the People's Artist of the Republic of Uzbekistan M.Turgunbayeva, preservation of the best creative samples for the young generation, ethical issues in using the heritage of M.Turgunbaeva in the national dance, developing proposals and recommendations in this field.

Structure of the study: Dissemination consists of an introduction, three chapters of six parts, an opinion, a list of references and an appendix. The volume of work is 78 pages.

Scientific	adviser	Ph.D.,	Io.	prof.
S.S.Agzamhodzhaeva				
Master of Science				Z.A. Akhmedova

МУНДАРИЖА

	Кириш	3
I БОБ.	XX аср ўзбек миллий рақс санъати: анъана ва новаторлик	14
1.1.	Ўзбек миллий рақс санъати тараккиёти жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари	15
1.2.	XX аср ўзбек миллий рақс санъатига Мукаррама Турғунбоеванинг кириб келиши	22
II БОБ.	Мукаррама Турғунбоева – “Баҳор” рақс ансамбли асосчиси	33
2.1.	“Баҳор” рақс ансамбли фаолиятида Мукаррама Турғунбоеванинг ўрни	34
2.2.	Мукаррама Турғунбоеванинг рақс сахналаштириш сирлари	41
III БОБ.	Мукаррама Турғунбоеванинг сахна этикаси	49
3.1.	Рақс либоси ва унинг Мукаррама Турғунбоева ижодидаги ўрни	50
3.2.	Мукаррама Турғунбоева меросини сақлаш ва абадийлаштириш масаласи	64
	Хулоса	71
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	74
	Илова	79

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги:

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар замирида, аввало, инсон омили, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари олий кадрият сифатида қаралаётган бугунги даврда ўсиб-улғайиб келаётган ёшларни ҳар томонлама билимли, маънан ва руҳан соғлом, Ватанга садоқатли фарзандлар бўлиб етишишида санъат ва маданиятнинг роли нақадар муҳим эканлигини тўғри англамоқ зарур. Зеро, тарихий тараққиёт жараёнлари шунини кўрсатадики, тинч ва тотув ҳаёт тарзи ҳукмрон бўлган ҳар бир жамиятда санъат ва маданиятга алоҳида эътибор берилган бўлиб, ўз ўрнида мазкур соҳа вакиллари ҳам даврнинг ижтимоий-маданий ҳаётини белгилаб беришда катта аҳамият касб этган. Мустақил Ўзбекистон номи билан дунё ижтимоий-сиёсий ҳаётида бугунги кунда ҳар жабҳада мустаҳкам ўз ўрнига эга бўлиб бораётган Ватанимизнинг эришган барча ютуқлари, аввало, мана шу икки тарафлама юксак эътибор ва масъулият натижасидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон юксак санъати ва маданияти билан жаҳон сахналарини эгаллар экан, бу жараёнларда санъатлар ичида энг жозибалиси ва мафтункори, дилларга ором бахш этгучиси – рақс алоҳида аҳамият касб этаётганлиги ҳаммамизга маълумдир.

Мамлакатимиз ўз истиклолини қўлга киритгандан сўнг рақс санъатига қаратган юксак эътибор унинг кейинги тараққиётининг тамал тошини қўйди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1997 йил 8 январдаги “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони¹, унинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида. 1997 йил 8 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил, 1-сон, 26-28-б.

ижросини таъминлаш мақсадида шу йил 21 феввалида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 101-сонли Қарори қабул қилинди. Унга асосан Мукаррама Турғунбоева номидаги “Ўзбекракс” бирлашмаси, унинг қошида иждодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида, махсус жамғарма тузилди. Хореография билим юрти негизида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ташкил этилди. Фармонда, “Миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, ўзбек рақс санъатининг тарихий анъаналарини ва усулларини тиклаш, авайлаб-асраш ҳамда бойитиш, миллатимизнинг ўзига хос шарқона фазилатлари, бой маънавиятига монанд рақсларни тарғиб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, миллий рақс йўналишлари бўйича узоқ муддатли, мақсадли дастурлар тайёрлаш, рақс санъатини халқимизнинг юксак маънавияти ва нозик дидига зид бўлган, юзаки, ноўрин тақлидга асосланган ҳатти-ҳаракат ва либослар ҳуружидан сақлаш, махсус таълим тизимини такомиллаштириш, ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган ва авлоддан-авлодга ноёб мерос сифатида ўтиб келаётган жозибали рақс намуналарини тўплаш, бойитиш, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига бу бебаҳо бойликларга чуқур ҳурмат ва ҳавас туйғуларини сингдириш, уларда миллий маънавиятимиз, кадриятларимизга нисбатан эҳтиром ҳисларини юксалтириш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги рақс йўналишларини асраш, авайлаш, шу асосда янги бадийий жамоалар тузиш, мустақиллик маънавиятини ва истиқлол ғояларини тараннум этувчи, халқимизга эстетик завқ бағишловчи замонавий ўзбек миллий рақс мактабини яратиш...”¹ каби қатор устувор вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида. 1997 йил 8 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил, 1-сон, 26-28-б.

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”¹ ишлаб чиқилганлиги, мазкур Ҳаракатлар стратегиясида барча соҳалар сингари маданият ва санъат соҳалари тараққиёти долзарб вазифа сифатида қаралгани диққатга сазовордир. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4956-сонли Фармони эълон қилинганлиги, Ўзбекистон Республикасининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тугатилиб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил этилганлиги соҳа бошқарувида мавжуд камчиликларни бартараф этишга замин яратди. Мазкур фармоннинг 4-бандига асосан “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси ва “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси негизида “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳада амалга оширилиши керак бўлган ишлар кўламини белгилаб берди. Қарор асосида “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури” ишлаб чиқилди. Унда “Ўзбек миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, маданият ва санъат ривожига катта ҳисса қўшган таниқли санъаткорлар, жаҳон миқёсидаги нуфузли кўрик-танловларда юқори ўринларни эгаллаган ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш”, “Баҳор нафаси” халқаро санъат фестивали, “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали, “Ёшлик баҳори” республика ёш опера ижрочилари фестивали сингари тадбирлар, турли халқ сайлларини ташкил этиб, уларга хорижий сайёҳларни кенг жалб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6 сон.

этиш”¹ каби қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, қарорда концерт-томоша ва театр муассасаларининг ижодий ходимлари учун грим ва постижёр маҳсулотлари, оёқ кийимлар, махсус либослар, жумладан, балет санъати учун либослар, юксак даражада ишланган сахна декорациялари ва конструкциялари, парда ва сахна либосларини тайёрлашга ихтисослашган кўшма қорхона ташкил этиш борасидаги топшириқлар берилди. Рақс санъатига оид бу қарор ва фармонлар, улар асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, илмий-амалий конференциялар ўз ўрнида соҳа вакиллари олдида катта масъулият юклайди. Бунда, аввало, ўзбек миллий рақс санъати тарихи, тараққиёт жараёнларини, унинг тараққиётига улкан ҳисса қўшган етук вакилларининг ижодий фаолиятини илмий, назарий жиҳатдан ўрганишни, улғайиб келаётган ёшларни тўғри тарбиялашга доир методик қўлланмалар, тавсиялар ишлаб чиқишни, “оммавий маданият” деб аталиб, санъатга катта таҳдид уйғотувчи ёт унсурларни асл санъат намуналаридан фарқлашга хизмат қилувчи манбалар яратиш соҳа мутахассислари олдидаги улкан вазифадир. Шу ишлар асносида ўзбек миллий рақс санъатининг етук вакиллари ижоди ва фаолиятини ўрганиш долзарблик касб этади. Мазкур масалада, аввало, ўзбек профессионал сахна рақсининг етук вакиласи, “Рақс маликаси” Муқаррама Турғунбоева ижоди, фаолияти, унинг ўзбек миллий рақс санъати тараққиётига қўшган ҳиссаси ўрганилиши ва мазкур меросга авлодлар ворислиги масаласида йўл қўйилаётган камчиликлар ўрганилиши муҳим масала ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва предмети:

XX аср ўзбек миллий хореография санъати тарихи ва тараққиёти жараёнлари мазкур магистрлик диссертациясида тадқиқот **объекти** ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 1 июнь

Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, “Рақс маликаси” профессионал рақс устаси ва балетмейстер, “Баҳор” рақс ансамбли асосчиси ва ўзбек миллий рақс санъати бадиий қиёфасини яратишда ва унинг дунё сахнига чиқишида беқиёс меҳнат қилган, ўзбек миллий рақс фондининг асосчиси Мукаррама Турғунбоева илмий, ижодий фаолияти ушбу тадқиқот ишининг **предмети** ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари:

Мазкур диссертациядан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Мукаррама Турғунбоеванинг ўзбек миллий рақс санъати тараққиётига кўшган ҳиссасини, ижодий меросини ўрганиш, фаолиятини илмий-назарий тадқиқ этиш ва мазкур меросга авлодлар ворислиги масаласини ўрганишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги **вазифалар** белгиланди:

- ўзбек миллий рақс санъатининг тарихий илдизлари ва тараққиёт жараёнларини таҳлил этиш;
- XX аср ўзбек миллий рақс санъатининг бадиий қиёфасини ўрганиш, таҳлил этиш;
- М.Турғунбоеванинг рақс санъатига кириб келиши ва унинг илмий-ижодий изланишларини тадқиқ этиш;
- ўзбек миллий рақс санъати тараққиётида анъанавий ижро ва профессионализмнинг юзага келиш жараёнларини тадқиқ этиш;
- ўзбек миллий рақс мактабларининг таснифланишида М.Турғунбоева ижодининг аҳамиятини тадқиқ этиш;
- “Баҳор” рақс ансамблининг ташкил этилиши ва унда М.Турғунбоеванинг фаолиятини тадқиқ этиш;
- М.Турғунбоеванинг илмий-ижодий мероси, ҳаёти ва фаолиятига оид материалларини таҳлил этиш;
- М.Турғунбоева илмий-ижодий меросининг ўзбек миллий рақс

санъати тараққиёти ва бугунги жараёнларидаги аҳамиятини тадқиқ этиш;

– М.Турғунбоева меросига ворислик масаласига ойдинлик киритиш;

– Бугунги кун рақс педагогикасида М.Турғунбоева меросининг аҳамиятини ўрганиш, таҳлил этиш ва баҳолаш каби масалалар асосий вазифалар сифатида ўртага чиқди.

Ишнинг илмий янгилиги:

Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Мукаррама Турғунбоева ижодий меросига ворисийлик масаласи, у яратиб берган бадиий рақс намуналарининг миллий рақс санъати тараққиётига, хусусан, бугунги кун илмий, ижодий ва бадиий жараёнларида тутган ўрни ва аҳамияти илмий, назарий жиҳатдан илк бор магистрлик диссертацияси даражасида тадқиқ этилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:

XXI аср глобаллашув даврида миллий рақс мероси ва юксак бадиий намуналарини софлигича сақлаш, рақснинг ҳолат ва ҳаракатларида мужассам бўлган бадиий, ноёб топилмаларни асраш ва уни келажак авлодга етказиш муҳим масала сифатида ўртага чиқмоқда. Шунингдек, ёш авлод вакиллари хар томонлама юксак дидли ва комил инсон сифатида тарбиялашда ўзбек рақс меросидан тўғри фойдаланиш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар узвийлигини давом эттириш каби бир қатор долзарб масалалар мавжуд. Шу мақсаддан келиб чиқиб, Мукаррама Турғунбоева ижодий меросининг ўзбек рақс санъати тараққиётига қўшган ҳиссаси номли мазкур магистрлик диссертацияси натижалари ва хулосалари қуйидаги масалаларни ҳал этишини фараз қилиш мумкин:

– XX аср ўзбек миллий рақс санъати тарихи билан яқиндан танишишга;

– ўзбек профессионал рақс санъати ва мактаблари шаклланиши жараёнларини ўрганишга;

- миллий рақс мактабларининг умумий ва ўзига хос хусусиятларини фарқлаб олишга;
- миллий рақс санъатида ҳаракат ва ҳолатларнинг маъно ва мазмунларини, уларнинг пайдо бўлиши тарихи хусусида аниқ маълумотлар олишга;
- нодир рақс намуналарини ҳис этиш қобилиятини илмий асосланган ҳолда тушунтириб беришга;
- М.Турғунбоева ижодий меросининг бугунги кун миллий рақс санъати тараққиётида тутган ўрнини янада яққолроқ тасаввур қилишга;
- рақс элементлари софлиги ва миллий рақснинг бадиий қиёфасини сақлашда;
- рақс ижроси, уларни сахналаштириш ва яратишда ҳаракат ва ҳолатларга тўғри “юк” беришда;
- соҳа тарихи ва назарияси билан шуғулланувчи ёш санъатшунослар, тадқиқотчилар учун қўшимча манба сифатида мазкур диссертация катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили):

Ўзбек миллий рақс санъати тарихи ва тараққиёти жараёнларини ўрганиш, таҳлил қилишга доир ишлар XX аср биринчи чорагида бошланган бўлиб, дастлаб, Ғ.Зафарий, И.Бахта ва мусиқашунос Е.Романовская ҳамкорлигида Фарғона мумтоз рақси “Катта ўйин” ёзиб олинган. Кейинги даврларда театршунос олим М.Қодиров миллий рақс санъати тарихи, кўринишларини, фольклор-этнографик жамоалар фаолияти ҳақидаги маълумотларни йиғиб, ўрганиб санъатшунослик илмини бойитган. Бироқ мавжуд маълумотлар ва изланишлар натижалари миллий рақс санъати тарихи ва тараққиёти жараёнлари, унинг ўзига хос хусусиятларини тўғри англашга, баҳо беришга етарли бўлмаган. Аср ўрталарида фаолият олиб борган рақсшунос Любовь Авдеева ижоди ўзбек

ракс санъати тарихи, тараққиёти жараёнлари, рақс санъати ҳаракати ва ҳолатларига доир концептуал фикрлар берди. Унинг “Тамараханум”¹, “Танцы Мукаррама Тургунбаевой”², “Балет Узбекистана”³, “Ўзбек рақси тарихидан”⁴ монографиялари нашр этилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Розия Каримова рақсшунослик соҳасида самарали фаолият олиб борган. У мамлакатимизда биринчилардан бўлиб рақс санъатини ёзиб олиш системасини ишлаб чиқади. Жаҳон тажрибасида рақс ёзиб олиш системаси мавжуд бўлсада, у ўзбек миллий рақсларини қоғозга туширишга мос эмас, айтилиши вақтда миллий рақсимиз маъно-мазмунини, жозибасини кўрсатиб беришга ожиз эди. Р.Каримованинг “Ферганский танец”⁵, “Хорезмский танец”⁶, “Бухарский танец”⁷ номли ўзбек миллий рақс мактаблари хусусиятларини фарқлашга хизмат қилувчи илк китоблари мана шу – ўзи яратган система асосида рақсларни тизимли равишда қоғоздаги ифодаси эди. Мазкур изланиш давоми сифатида Р.Каримованинг “Танцы ансамбля Бахор”⁸, “Танцы Равии Отаджановой”⁹, “Узбекские танцы в постановке Исахара Акилова”¹⁰ сингари тадқиқотлари нашр этилди. Мавжуд адабиётлар М.Турғунбоева ҳаёти ва ижоди, бадиий мероси, рақслари яратилиш йўллари, балетмейстерлик фаолиятини ёритиб беради. Бироқ, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Мукаррама Турғунбоева ижодий меросининг бугунги кун ўзбек рақс санъатидаги аҳамиятини белгилашга доир аниқ мақсадли илмий изланишлар мавжуд эмас. Мавжуд кўпгина манбалар рақс саҳналаштириш ва рақс педагогикасига оид

¹ Авдеева Л. Тамараханум. Ташкент: 1996 г.

² Авдеева Л.А. Танцы Мукаррама Тургунбаевой - Ташкент: 1966 г.

³ Авдеева Л. Балет Узбекистана. Ташкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат” нашриёти, 1973 й.

⁴ Авдеева Л. Ўзбек рақси тарихидан. Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат” нашриёти, 2001 й.

⁵ Каримова Р. Ферганский танец. Ташкент: Изд. литературы и искусства им. Г.Гуляма 1973 г.

⁶ Каримова Р. Хорезмский танец. Ташкент: Изд. литературы и искусства им. Г.Гуляма 1975 г.

⁷ Каримова Р. Бухарский танец. Ташкент: Изд. литературы и искусства им. Г.Гуляма 1977 г.

⁸ Каримова Р. Танцы ансамбля Бахор. Ташкент: Изд. литературы и искусства им. Г.Гуляма 1977 г.

⁹ Каримова Р. Танцы Равии Отаджановой. Ташкент: Изд. литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1983 г.

¹⁰ Каримова Р. Узбекский танцы в постановке Исахара Акилова. Ташкент: Изд. литературы и искусства имени Г.Гуляма, 1987 г.

методологик хусусиятга эгадир. Бугунги кунда М.Турғунбоева меросига ворислик масаласини ўрганиш ўз долзарблигини ошириб бормокда.

Истиклол йилларида рақс санъатига доир нашр этилган кўпгина адабиётларда, илмий-амалий конференция тўпламларида, журнал ва газета саҳифаларида М.Турғунбоева тўғрисида бир қанча маълумотлар бериб ўтилса-да, магистрлик диссертациясидан кўзланган мақсадга кўра унинг ҳаёти, фаолияти, илмий-ижодий изланишлари натижаси уларок дунёга келган улкан бадий мерос сақланиши ва унга ворислик масаласига доир тадқиқотлар мавжуд эмас. Шу боисдан юқорида кўрсатилган адабиётлар билан бир қаторда М.Турғунбоева шогирдлари, замондошлари хотиралари мазкур магистрлик диссертациянинг ёзилишида кўмакчи материал вазифасини ўтади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи:

Мазкур магистрлик диссертациясида Мукаррама Турғунбоева ижоди хронологик тарзда ўрганилиб, унинг рақс санъатига кириб келиши, рақснинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиши, ижодий юксалиши, рақс педагогикаси, балетмейстерлик ва рақс либослари билан боғлиқ кенг кўламли фаолияти, у яратиб берган миллий мероснинг бугунги кун рақс санъати тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти ўрганилди. Бу ўринда солиштирув, қиёсий таҳлил, кузатув, умумлаштириш, тизимлаш, дедукция каби тадқиқот услубларига таянилди.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти:

Тадқиқот натижалари Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби талабалари ва мазкур Олий мактаб негизидаги ихтисослашган касб-ҳунар коллежи, ихтисослашган махсус муסיқа ва санъат мактаблари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар тайёрлашда фойдали бўлиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:

Илмий тадқиқот натижалари балетмейстерлар, педагог кадрлар фаолияти учун қўшимча қўлланма вазифасини ўтайди.

Тадқиқот ишининг тузилиши:

Мазкур магистрлик диссертацияси кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

КИРИШ қисмида магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги, тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари, тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи, тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида сўз юритилади.

Тадқиқотнинг I боби “XX аср ўзбек миллий рақс санъати: анъана ва новаторлик” деб номланди. Ушбу бобнинг “Ўзбек миллий рақс санъати тараққиёти жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган 1.1. бўлимда ўзбек миллий рақс санъати ривожланиши жараёнларининг асосий босқичлари ўрганилди ва сахна рақс санъати шаклланишига пайдо бўлган имкониятлар таҳлил этилди. Бобнинг “XX аср ўзбек миллий рақс санъатига Мукаррама Турғунбоеванинг кириб келиши” деб номланган 1.2. қисмида М.Турғунбоеванинг рақс санъатига кириб келиши ва унинг ўз ўрни ва услубига эга бўлиши жараёнлари тадқиқ этилди.

II боб “Мукаррама Турғунбоева – “Баҳор” рақс ансамбли асосчиси” деб номланади. Бобнинг ““Баҳор” рақс ансамбли фаолиятида Мукаррама Турғунбоеванинг ўрни” деб номланган 2.1. қисмида М.Турғунбоеванинг миллий рақс санъати тарихида улкан из қолдирган мазкур ансамблини ташкил этиши ва тараққиёти жараёнларидаги фаолияти ўрганилди.

Бобнинг “Мукаррама Турғунбоевнинг рақс сахналаштириш сирлари” деб номланган 2.2. қисмида М.Турғунбоевнинг рақс сахналаштириш услуги, янгиликлари, халқ ва жаҳон рақслари уйғунлаштирилиши борасидаги изланишлари ва натижалари ўрганилди, таҳлил этилди.

III боб “Мукаррама Турғунбоевнинг сахна этикаси” деб номланади. Бобнинг “Рақс либоси ва унинг Мукаррама Турғунбоева ижодидаги ўрни” дея номланган 3.1. қисмида либос ва унинг рақс санъатидаги ўрни, М.Турғунбоева фаолиятида либослардан фойдаланиш тажрибаси таҳлил этилди. Тадқиқотнинг “Мукаррама Турғунбоева меросини сақлаш ва абадийлаштириш масаласи” деб номланган 3.2. қисмида М.Турғунбоева мероси ва уни асраш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар хусусида тадқиқотлар олиб борилди.

Хулосада диссертация мавзуси ёритилиши юзасидан олиб борилган илмий тадқиқот натижалари умумлаштирилди. XX аср ўзбек рақси миллий кифоаси ва бугунги кун ижодий жараёнларида М.Турғунбоева меросининг тутган ўрни ва аҳамияти борасидаги фикр-мулоҳазаларга яқун ясалади. Миллий рақс тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммолар ва уларни ҳал этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Иловада Мукаррама Турғунбоева ижодий фаолиятига доир фото, видео материаллар, ижро этган роллари ва сахналаштирган рақслари рўйхати тақдим этилди.

1.1. Ўзбек миллий рақс санъати тараққиёти жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари

Ҳар бир халқ рақслари пайдо бўлиши ва ривожланишида ўзига хос хусусиятлар мужассам. Аввало, ўша халқ туғилиб-ўсган атроф-муҳит, табиат ва жамиятнинг санъат ва маданият соҳаларига бўлган эътибори, маданий алоқалар алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода ўзбек рақс санъати тарихида узок ўтмиш, илк ўрта асрлар Шарқ уйғониш даври, теурийлар даври ва ҳар бир даврда бўлган ижтимоий-сиёсий танглик, инқиروزлар, диний қарашлар ва жамият миллий рақс санъатимиз тарихида ўзига хос ривожланиш тенденцияларни юзага келтирди. Жумладан, ўзбек миллий рақс санъати тарихи ҳам инсониятнинг узок ўтмишидан бугунги кунга қадар сайқал топиб, етиб келган.

Тарихий манбалар мамлакатимизда рақс жуда қадим замондан пайдо бўлиб, шаклланиб, ривож топганидан далолат беради. Қадимги давр рақс санъати умумжаҳон миқёсида умумийлик касб этиб, табиатга сиғиниш, диний маросимлар, ов қилиш ва шу сингари маиший турмуш тарзи билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар замирида шаклланган.

Мамлакатимиз ҳудудидан топилган археологик топилмалар, қоятош ва рўзғор буюмлари юзасига туширилган рақс тасвирлари, милоддан аввалги 3-асрга мансуб Тупроққалъадаги рақсга тушувчи “Ниқоблар зали” ва оловлардаги кичик ҳайкалча ва бошқа топилмалар рақс санъатининг ислом динигача анчагина ривожланганидан далолат беради.

Ўрта асрлар Шарқ ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта аҳамият касб этиб, милоддан аввалги II ва милодий XVI асрларда муҳим савдо йўли бўлган Буюк Ипак йўли Андижон – Ахсикент, Поп, Хўжанд, Жиззах, Зомин, Самарқанд, Бухоро, Ромитон, Термиз сингари бир неча муҳим маданият ўчоқларини ўзаро боғлаб, санъатлар тараққиётига катта ҳисса қўшган.

ва талантли болалар хотин-қизлар раксига махсус ўргатилган: ўғил болаларга 8-10 ёшидан бошлаб 4-5 йил аёл ракс услубларини ва аёлларга хос бўлган ҳаракат ва ҳолатларни, уларнинг характерини, ички, рухий кечинмаларини ўрганишга, улардан ракс жараёнларида фойдаланишга интилган. Ҳатто кўзларини бўяб, қошларини теришган. Шунингдек, улар аёллар раксларини айнан аёллар либосида ижро этган. Натижада гоҳо ташқи қиёфадан ҳам, гоҳо раксидан ҳам уларни аёллардан фарқлаб бўлмаган ҳолатлар ҳам кузатилган. Ўша даврларда уларнинг санъати завқ-у шавқ билан томоша қилинса-да, раққослар халқ ичида ҳеч қандай ҳурматга эга бўлмаган. Бу ўзбек ракс тарихи ва тараққиётининг алоҳида бир босқичи бўлган десак адашмаймиз.

Санъатшунос олимлар мазкур раққослар ҳақида гапириб, улар фаолиятини ўша вақтдаги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ракс меросимиз кейинги давр вакилларига етиб келишида ва XX асрга келиб эркак ва аёл ракслари фарқланишида, ҳаракат ва ҳолатларни қайта тиклашда катта ёрдам берган, деб ҳисолашади. Бироқ, бугунги кунга қадар мазкур ракс ижрочилари билан боғлиқ “миш-миш”лар мавжуд бўлиб, ўзбек эркаклар ракси тараққиётига тўсиқ бўлиб келмоқда. Айниқса, “Ичкариларда” ижро этилган аёллар ракси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Ўзбек ракс санъатининг том маънода қайтадан тикланиб, янгиланиб, халқ ўйинларидан ажралиб профессионал сахна раксларига айланишида театр санъатининг ўрни ва аҳамияти катта бўлганлигини кўриш мумкин. Рус театри номи билан ўлкага кириб келган Европа типигаги профессионал театр санъати ўзбек санъатига сахна маданиятини олиб киришда муҳим омил бўлди. Ўлкада профессионал театр санъати қулоч ёзаётган бир даврда асрлар давомида яшаб келган ўзбек халқи анъанавий театр труппалари хизмати катта бўлган.

Корфармонлар¹ миллий театр санъати, хусусан, рақс санъати тикланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнаган. Айни вақтда корфармонлар, анъанавий театр ижрочи актёрларининг кўпчилиги анъанавий халқ рақсларини яхши билишган. Инчунун, “Муҳаммад Солих Бидиёршум Фарғона водийсида анъанавий театр – қизиқчилар мактабини яратган ва унга корфармонлик қилган машҳур санъаткор, Кўкон хонларидан машҳур шоира Нодирабегимнинг эри Умархон (1787-1822) ва унинг ўғли Муҳаммад Алихон (Мадалихон, 1810-1842) даврида яшаб ижод қилгани, қизиқчилик пьесалари яратгани, шеърлар битгани, рақс билимдони, созанда экани, ўзи ва труппаси халқ ва сарой эътиборида бўлгани маълум”.²

XIX аср ўзбек анъанавий театрининг йирик вакилларида бири, кўконлик Рустам меҳтарнинг³ ўғли Зокир эшон (1824-1898), Юсуфжон кизик Шакаржонов (1869-1959) кабилар бутун Туркистон худудида фаолият кўрсатувчи санъаткорлар – масхарабоз ва қизиқчилар, хонанда ва созандалар, раққослар, умуман ижод аҳли, шунингдек, жамоатчилик ва халқ орасида уста ва устод сифатида ҳурмат қилинган тўғрисида санъатшунос олим, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Тошпўлат Турсунов “Ўзбек театр тарихи” номли китобида ёзиб қолдирган.

“Юсуфжон кизик санъатдаги билим ва ҳунарини устозлари ва халқ театрининг асрий анъаналари асосида давом эттириб, саноксиз халқ пьесалари, кўшиқлари, шашмаком йўллари, доира ва ноғора усуллари, “Катта ўйин”, умуман халқ рақсларини эгаллашдан бошлайди”⁴.

Мамлакатимиз рақс санъати тарихи ва ривожиди XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида юзага келган жадидчилик ҳаракати ва ғоялар

¹ Ўзбек анъанавий театр труппалари режиссёри

² Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. –Тошкент: “Фан” нашриёти, 1968 йил. 67-69 б.

³ Санъатда созандалар гуруҳининг бошлиғи меҳтар деб аталган. Одатда меҳтарлик қилган созандалар сурнай, карнай, ноғорани маҳорат билан чалиш қобилиятига эга бўлганлар.

⁴ Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. –Тошкент: “Фан” нашриёти. 1968 йил. 156-157-бетлар.

билан боғлиқ бўлди. Уларнинг бош мақсади оми халқ “кўзини очиш” ва кун келиб ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англашга етаклаш эди.

Жадидчилик ҳаракати вакиллари профессионал театр санъатини ҳам кўллаб-қувватлади ва санъатнинг янги тури – театрни тарғиб этишга бош-қош бўлди. Мунаввар қори Абдурашидхонов, Махмудхўжа Бехбудий сингари кишилар мутаассибликка қарши курашиб, халқ онги ва шуурини бойитишга, хусусан, театр санъатини ҳимоялаш, унинг ривожига кенг йўл очиш, тарғиб қилиш ишларига бош-қош бўлди. Натижада театр санъати замирида рақс санъати ривожига учун имкониятлар пайдо бўлди. Ўз ўрнида зиёлилар рақс санъати истикболини ҳам белгилашга алоҳида эътибор қарата бошлайди.

“Ўзбек масхарабоз ва қизикчилик санъати халқ анъанавий театрининг бир кўриниши сифатида XX асрга қадар яшаб келди. Унинг халқчил бой хазинаси миллий маданий меросни ўрганишда ибрат ва замонавий санъат турларидан янги театр, цирк, рақс сингариларни ривожлантиришда бебаҳо манба вазифасини ўтади”.¹

Театршунос олима Л.Авдееванинг ёзишича, тошкентлик Кенжабой Турсунов, Мулла Шобарат Шосолиҳов, бухоролик Уста Тожи Собиров, Биби Ширин Маманова, кўкконлик Маҳкам ҳофиз, Камолхон Муҳаммаджонова, Қумрихон Ҳамдамова, наманганлик Усмон хожи Фозилбоев, Шарофат яллаци, андижонлик Мамажонхўжа Усмонхўжаев, фарғоналик Назирхоним, хоразмлик Оллоберганов, Сафар Муғанний, марғилонлик Отахўжа, Қимматхон Султонбоева сингари раққос ва раққосалар ҳам XX асрнинг 20-30 йилларида жойларда рақс санъати амалиёти билан шуғулланиб, халқ орасида ном чиқарган.

Яна шуниси ҳам аҳамиятлики, бир қарашда ўзбек рақси анъанавий театр ва юзага келган имкониятлар замирида янги қиёфа ва шакл кашф

¹ Турсунов Т. Ўзбек театр тарихи. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2008 й. 22-б.

этанлиги бот-бот такрорланади. Рақс санъати тарихи ва тараққиёти жараёнлари бораси кўпгина изланишлар олиб борган санъатшунос олима Л.Авдеева тадқиқотларида “Агар XIV-XVI асрларга оид миниатюраларда тасвирланган раққослар ҳолатига диққат қиладиган бўлсак, уларда узок ўтмиш, яъни илк ўрта асрлар даврига оид тасвирлар билан, XX асрнинг иккинчи ярмида мавжуд бўлган анъанавий рақс билан уйғунликни кўриш мумкин.

Шуни қайд этиш керакки, ўрта асрлар рақсида янги, Ўрта Осиё Уйғониш даври рақсининг (XIV-XVI асрлар) янги хусусиятлари ўн тўққизинчи аср билан ўзаро алоқадорлиги намоён бўлади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун XVI аср миниатюрасидаги раққоса ҳолатини таҳлил қилишнинг ўзи kifоя. Раққоса томошабинга юзланган ҳолда ён томонга ҳаракатланаётган пайтда (илк ўрта асрлар ўйинчиларига хос бўлган ҳолат!) тасвирланган. Тана ҳолати табиий, мушаклар таранг эмас, рақс “кичик” фарғонача рақсга ўхшаш, жуда оддий бўлса керак. Тана ўнгга бироз эгилган, бош ўнг елка томон тушган, чап билак бироз кўтарилган ва ўнг билак пастроқ. Ҳолат шундай динамик тасвирланганки, унинг давомини кўраётгандай бўласиз, “кичик” фарғонача рақсда оммалашган ҳаракатлардан бири кўз олдимизда намоён бўлади”.¹

Л.Авдеевнинг бу фикрлари мавжуд анъана ва қадриятлар ҳар қандай тарихий шароитда ҳам бутунлай йўқ бўлиб кетмаслигини, қайсидир маънода кичик ва тор доираларда яшаши, халқ иродаси билан қайтадан пайдо бўлиши мумкинлигини билиш мумкин.

Ўзбек рақс тарихи ва ривожаниш жараёнларида бир қанча силсилали даврлар бўлган бўлса-да, XX аср бошига ўз тараққиёт йўлини белгилаб олди. Даврнинг қарама-қаршиликлари, диний мутаассибликлар батамом барҳам топмаса-да, рақс санъат сифатида эътироф этила бошланди. Бу жараёнларда Юсуфжон қизик Шакаржонов, Уста Олим Комилов,

¹ Авдеева Л. Ўзбек миллий рақс тарихидан. –Тошкент: 2001 й. 78-бет

Мухиддин Қориёкубов, Тамарахоним сингари рақс билимдонларининг хизмати катта бўлди. Ўзбек сахнавий рақси маданияти ва бадиий қиёфаси тарғилишида Мукаррама Турғунбоева ижоди катта аҳамият касб этди.

1.2. XX аср ўзбек миллий рақс санъатига Мукаррама

Турғунбоеванинг кириб келиши

Миллий рақс санъатимизнинг моҳир намоёндаси, устоз-шоғирд шъаналарини муваффақиятли ривожлантирган, истъедодли балетмейстер Мукаррама Турғунбоева 1913 йилда Фарғонанинг кичкина бир қишлоқларидан бирида баҳор ойларида таваллуд топган. У таваллуд кунини сифатида ўзининг театрга ишга кирган кунини – 16 сентябрни белгилайди. Бироқ, кейинчилик бу фикрини ўзгартириб, баҳорнинг энг ёрқин, гулларга бурканган кунларидан бири – 31 майни ўзи учун таваллуд кун сифатида белгилаб, бир неча йиллар мазкур санани таваллуд айёми сифатида нишонлайди. Мукаррама Турғунбоева ота-онасидан бевақт айрилиб қолганлиги боис уларни эсламайди, фақат бобоси ва бувасини эслаб улар ҳақидаги ширин хотираларини кулиб тилга олган.

У ёшлик пайтида ота-онасидан етим қолганлиги боис узок қариндошларидан бириникида болалик йилларини ўтказган. Амакисининг уни ўз қизидек яхши кўргани Мукаррама Турғунбоева учун етарли эмас эди. Бу давр муносабатлари бир томондан хотин-қизларга бўлган эркинликдаги чекловлар нуктаи назаридан шакллантирилгани оддий ҳол эди. Шу боис кичкина Мукарраманинг ёшлиги бошқа тенгдошлари сингари кўп қийинчиликлар билан ўтган. Бу даврда секин-аста ижтимоий ҳаётга кириб келаётган янги ҳаёт тарзи, мактаблар, техникумлар, институтлар очилаётгани келажакка умид уйғотар, айрим оилалар учун жамиятга кенгроқ кириб боришга, ўқишга ва ишга киришга имкониятлар пайдо бўла бошлаган бир пайтда Мукаррама Турғунбоева учун бу ҳол жуда катта муаммоли ҳолат эди.

Мукаррама Турғунбоева 1927 йили мактабни тамомлагандан сўнг педагогика техникумига ўқишга киради. Бу ерга у қадам босиб кирган биринчи кунидек тенгдош қизлар билан дўстлашиб, улар билан бирга ҳаёт машаққатларига бирга туришга жазм этади.

Мукаррама Турғунбоева дугоналаридан бу жойда турли тўғараклар борлигини эшитганидан сўнг вақтини самарали ўтказишга мақсад қилади ва бир нечтасига қатнай бошлайди. Бироқ амакисининг тўсиқлари уни кўпгина фаолиятдан чеклайди. Лекин, унинг санъатга, айниқса, рақс санъатига бўлган баланд меҳри ҳар куни кечки пайт ашула ва рақс тўғарагига етаклар эди. Шаҳарга гастролга келган Тамарахонимни учратиш Мукаррама Турғунбоевада ўз фаолиятини бутун умрга санъат билан боғлаш иштиёқини уйғотади. Шу даврдан бошлаб М.Турғунбоевада “Мен артистка бўламан” деган қарор пайдо бўлди ва умрининг охиригача ўз олдига қўйган мақсади йўлида қунт ва чидам билан меҳнат қилади. Аввало, унинг учун Самарқандга бориши, у ерда М.Қориёкубов ташкил этган санъат академиясида таҳсил олиши керак эди. Бу даврда Самарқанд давлатнинг маъмурий маркази бўлган.

Мукаррама Турғунбоева ўз хотираларида XX аср бошларидаги ижтимоий вазият, аёллар рақсига бўлган муносабатни ўта тескари тус олганини чуқур хурсиниш орқали эслайди.

1929-йилда раққоса Нурхоннинг мутаассиблар томонидан ваҳшийларча ўлдирилиши унга, ўз ҳаётини рақс санъати билан қатъий боғлашга азму-қарор қилишига сабаб бўлган. Бу айна вақтда бу каби қарорларни қабул қилиш ўзига хос қаҳрамонлик ва жасорат эди. Бугунги давр учун ўтмиш ва аччиқ хотирага айланган бу кунлар асл моҳиятини англаш ва ҳис этиш анчагина мураккабдир.

Мукаррама Турғунбоева фаолиятида Фарғона билим юртини битиргач, яъни 1929 йилда янги саҳифа очилади, у Мухиддин Қориёкубов ёрдамида Самарқанд Давлат мусикали драма театрининг ёрдамчи гурппасига ишга киради. Шу йил 16 сентябрдан бошлаб, М.Турғунбоева Ўзбек Экспериментал мусикали драма театрига ишга қабул қилинади. Бу гурппа билан театрда саҳналаштирилган мусикали спектаклларда иштирок

этади ва бўш вақтларида рақс ва санъатнинг бошқа турлари тўғрисида ўрганеди, ўқиб изланади.

Мукаррама Турғунбоева 1929-1933 йилларда театр актрисаси ҳамда театр қошида ташкил этилган студия тингловчиси сифатида фаолият кўрсатиб, халқ рақси, мумтоз рақс, ашула, актёр ижрочилиги асосларини ўрганеди. Устозлари кўрсатмалари асосида кўплаб сир-синоатларни кунт билан ўқиб олади.

Маълумки, XX аср бошларида ўлкага “Рус театри” номи билан кириб келган профессионал театр санъати бу даврда анчагина оёққа туриб олган, сахнада миллий ва жаҳоннинг “зуволаси оғир” асарларини ҳам сахналаштиришга муваффақ бўлган эди. Бир ўринда театр рақс, профессионал сахна рақс санъати ривожини учун яхшигина имконият эшигини очган эди.

Мукаррама Турғунбоева театрга иш айланишига авжига чиққан бир пайтда кириб келади: бу даврда жамоа Москва шаҳрида ўтказилиши белгиланган Бутуниттифок миллий санъатларнинг олимпиадасига тайёргарлик кўраётган эди. Ёш ва истеъдодли актрисага биринчи кунданок жиддий роллар берилган, бу эса ўз ўрнида тинимсиз ишлаш ва изланишга мажбур этарди.

Бу даврда Мукаррама Турғунбоева “Ўртоқлар” мусикали комедиясида Анорхон, “Ҳалима” мусикали драмасида Ҳалиманинг онасини, совчи Холжон холани ўйнайди, “Фарход ва Ширин” Ёсумон, “Аршин мол олон” мусикали комедиясидаги Ассия ва Зебо ролларини, “Ичкарида” мусикали драмадаги раққоса Асалхон ва Озодахон роллари ижро этади ва маҳоратини бойитиб боради.

Айтиш мумкинки, М.Турғунбоевнинг театр роллари ҳам муваффақиятли бўлса-да, унинг рақс санъатига бўлган меҳри бўлакча эди. Шу боисдан у соатлаб Уста Олим Комиловнинг рақс ритмларини ўрганиб,

унга монанд рақс ижро этаётган Тамарахоним қўлларининг енгил мураккаб, жимжимадор, моҳирона ҳаракатларини диққат билан кузатар эди. М.Турғунбоева ўша пайтлардаёқ рақснинг енгиллиги, равонлиги раққосанинг кундалик меҳнати ва ижодкорнинг ғайрати натижаси эканлигини англаган бўлса ажаб эмас.

1930 йили Москва шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифок олимпиадасида ўзбек артистлари қардош халқлар ичида ўзининг беҳисоб ва нодир асарларини маҳорат билан ижро этиши билан ажралиб қолди. Бу ўзбек рақс санъатининг катта сахналардаги биринчи муваффақияти эди. Бу жараёнларда М.Турғунбоева жамоавий ва яккахон рақслари билан ўзига хос намойиш ташкил этган бўлса-да, бу Тамарахоним номи билан боғлиқ эди. Шундай бўлса-да, М.Турғунбоева учун бу катта мактаб эди ва уни янги ижодий марралар сари шаҳдам қадам қўйишига туртки бўлди. Катта сахнадаги эътироф, улкан марра ўзига хос рағбат эди.

Муқаррама Турғунбоева фаолиятидаги театр роллари ва уларда ижро этган рақслари том маънода рақс маҳоратини оширишга, мумтоз рақсларимизни яна-да чуқур ўрганишга, янги рақслар яратишга ўзига хос мактаб бўлди. Бу жараёнларда у рақс ижро этиш, сахналаштириш, рақс яратиш борасида каттагина билимларни қўлга киритди. Устоз санъаткор Уста Олим Комиловнинг кўпгина миллий рақсларни ёддан билиши ва меҳрибонлик билан устозлик қилиши, Тамарахонимнинг рақс сахналаштириш борасидаги кўрсатмалари М.Турғунбоева ҳаётида катта мактаб бўлди. М.Турғунбоева бу йилларда Уста Олим томонидан сахналаштирилган “Катта ўйин”, “Занг”, “Дучаво”, “Уфори сохта”, “Садр”, “Қари наво”, жанговар “Усмония” рақсларини маҳорат билан ижро этди ва ўз малакасини янада оширди. Унинг 1934 йилда очилган хореография мактабига ўқитувчи сифатида тавсия этилиши бежиз эмас, айтиш мумкин у рақс техникасини пухта эгаллаб олган раққоса эди.

Мукаррама Турғунбоева ўзбек миллий рақс фондини бойитишдаги энг катта хизматларидан бири унинг халқ ўйинларини янги ҳаракатлар, ёрқин ҳис-туйғулар билан бойитиб, халқнинг ўзига хос ҳислатларини ажойиб усталик билан ифодаловчи бир неча Хоразм, Бухоро, Фарғона, Помир оммавий рақсларини яратгани бўлди.

Шунингдек, М.Турғунбоевнинг оммавий рақслар борасидаги изланишлари ва муваффақиятлари таҳсинга лойиқ. Бу давргача оммавий рақс бўлмаган ва уларда аёл раққосаларининг иштироқи ҳам оғир масала эди. Жумладан, унинг 1936 йилдаги йигирмадан кўп ҳаракатдан иборат бўлган оммавий уйғур рақси кўпгина томошабинларни ҳайратга солди, бир неча йилдан сўнг эса бу рақснинг турли вариантлари қирқ бешдан кўп ҳаракатлар билан бойитди. “Булар асосан: орқага қайтилган қафт панжаларининг гоҳ юқорига тўғри кўтарилувчи, гоҳ бир томондан иккинчи томонга елпинувчи, гоҳ икки томонга қаратилиб пастга туширилувчи, гоҳ ўзига имо қилувчи, ўзидан нари силтовчи ҳаракатлардан иборат эди. Бу рақсни Мукаррама Турғунбоева бир группа йигитлар билан ижро этганда эса, улар кизнинг ҳуснига мафтун бўлиб, эҳтиром билан унинг атрофига чизилиб, тиззалаб ўтирадилар ва сафоилда унга жўр бўладилар. У бўлса ноз ила камзулини тузатиб, тулки мўйнали телпакчасини қошигача тушириб, чапак чалганича йигитларга юз мақом қилиб, гоҳ уларга кулиб боқар, гоҳ захар сочар”¹.

М.Турғунбоевнинг уйғур ўйинлари асосидаги рақслари нафақат Ўзбекистонда, балки уйғур халқлари орасида ҳам жуда машҳур бўлиб кетди. Уйғур автоном районида яшовчи уйғурлар бу ўйинларга “Синьцзян халқ ўйинлари” деб ном берганлари ҳам мазкур рақснинг аҳамиятини билдиради. Яна шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, уйғур-ўзбек халқлари тарихан бой маданий алоқаларга эга. Буюк ипак йўли ва ундан кейинги

¹ Авдеева Л. Мукаррама Турғунбоева рақси. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1989 йил. 16-бет.

даврларга хос тарихий манбалар буни исботлайди. Мазкур фикрларни таъхловчи яна кўпгина тарихий фактлар бор. Жумладан, Уйғур автоном Республикасида Андижон, бизнинг водий ҳудудларимизда уйғур халқлари мавжуд бўлиб, бу узоқ тарихий даврлар билан боғлиқ хотиралардан эсдаликдир.

Шунингдек, унинг “Республика областларига хос бўлган машхур халқ ўйинларининг сахна вариантларини яратишдан ташқари Турғунбоева миллий халқ ўйинлари, спорт машқлари, турмушда учрайдиган ҳаракатлар соҳасида уйғур ва андижонча рақсларни яратди”.¹

М.Турғунбоева ижодининг энг ёрқин намуналаридан бири “Андижон полькеси” эди. 1947 йили сахналаштирилган мазкур рақс яратилишида рус ва уйғур рақсларининг таъсирини сезиш мумкин. М.Турғунбоева бу рақсдаги шўх ҳаракатларга халқ мусобақаси – улоқ ва курашдаги ҳаракатларни кўшиш орқали оригинал мазмунли рақс вужудга келтирди. Лекин, бу рақсни ҳам бошқа рақслардаги каби бевосита спорт ҳаракатларидан бошлади ва рақсга спортга хос жўшқин кайфиятни сингдирди. Натижада кучли, чакқон ва довюраклар рақси, меҳнатда ҳам, шодликда ҳам енгилмас ботирларнинг шўх ва ўйноқи рақси вужудга келди. Шу сабабли, “Андижон полькеси”ни қизлар ҳам ўзларига хос назокат хисларини сингдирган ҳолда йигитлар билан бир сафда туриб ижро этган талкинлари мавжуд.

М.Турғунбоеванинг меҳнат нашидаси ва завқини тараннум этувчи “Пахта” рақси айни даврда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлсада, мазкур рақс мавжуд тузим тарғиботчиси бўлиб қолмади. Айни вақтдаги мавжуд тизим пахта далаларида меҳнат қилаётган ва ўз ҳуқуқларидан мосуво захматкаш халқнинг оғир меҳнатини завқу-шавқ билан бажараётганига халқни ўзини ҳам ишонтиришни хоҳларди, гуё. Бироқ,

¹ Авдеева Л. Муқаррама Турғунбоева рақси. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1989 йил. 16-17 бетлар

М.Турғунбоева “Пахта раксини” сахналаштирар экан, унинг маълум бир кўчмрон жамият куралига айлантиришни эмас, балки меҳнатни халқ бунгилидан жой оладиган санъатга айлантирди. Унинг гул тикиш, тўқиш, кўртларни боқиш, ипак йигириш каби элементлардан фойдаланиб келтирилган “Пилла” ракси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Тарихан маълумки, 1940-1950 йилларда халқ бошида оғир савдолар кўп бўлди. Бутун дунё халқлари бошига кўп балолар олиб келган Иккинчи жаҳон уруши ўзбек халқини ҳам оғир аҳволга солган. Айни шу даврларда санъатнинг санъатдан фойдаланишдаги ўрни ошиб борган. Бу давр санъатларининг қаҳрамонлари асосан аёллар бўлиб, уларнинг барчаси элтанпарвар, софдил ва давлат хизмати – пахта далаларида ҳалол меҳнат кўлувчи вакила сифатида жонланган. Бу айни даврда меҳнатга яроқли бўлганларнинг асосий қисми аёллар бўлганлиги билан боғлиқ эди.

М.Турғунбоева ижодида унинг ракс сахналаштириш ишлари катта жаҳият касб этади. Дастлаб Юсуфжон кизик Шакаржонов, Тамарахоним, Уста Олим Комилов сингари ракс санъати билимодонлари унга ракс сахналаштириш сираларидан сабоқ беради.

Россиялик машҳур балетмейстер ва педагог Константен Бек М.Турғунбоевага Европа классик рақслари сир-синатини ўргатган. Кейинчалик, Петербурглик балет артисти Екатерина Обухова, Или Арбатова, Александра Томский ва Павла Ёоркина сингари ўз даврининг машҳур балетмейстерлари сабоқлари М.Турғунбоевага бу борадаги билимларини янада мустаҳкамлашга кўмак берди. Саяновадан эса сольфеджо сабоқларини ўргангани унинг келажакда шоғирларига ракс санъатининг хилма-хил турлари ва унинг сирларини ўргатиш жуда самарали ёрдам берган десак адашмаймиз.

М.Турғунбоева балет спектаклининг сахна кунунларидан фойдаланиб, ўзбек сахна ўйинига Европа классик рақсининг айрим

элементларини кирита бошлади. Бухоро рақсларининг ҳаракатлари асосида тузилган “Ғайратли киз” рақсида Европа классик рақсининг айланиш техникасидан фойдаланган эди.

Кейинроқ Мукаррама Турғунбоева Европа классик ва ўзбек рақсларининг техникасини эгаллаган ёш ўзбек раққосалари учун ҳам рақслар ярата бошлаган.

Бу рақслар ўзбек рақсининг европача сахна рақсларига яқинлашган янги бир формасини ҳосил қилди. Бу ижодий ишни М.Турғунбоева ўзбек рақсидан ўзи дарс бераётган хореография билим юртида фойдалана бошлайди.

М.Турғунбоева 1953 йили билим юртини тугатаётганларнинг ҳисобот концертида кўрсатилган оммавий рақсларни сахнага қўйиш устида ишлар экан, халқ ўйинларининг ижро этиш ҳаракатлари ва услубидан дастлаб фақат айланиш техникасини ўзгартирган ҳолда фойдаланди. Бир доирада айланиш – “чарх”нинг ўрнига Европа классик рақсининг айланиш услуби “шене” ни киритди. Раққос “чарх” услубидаги оёқларнинг тескари бурилиш ҳаракатидан фойдаланмай, “шене” дагича – оёқ учида юришни қўллайди.

М.Турғунбоева ўз ижодий имкониятлари кенгая боргани сари янги-янги рақслар яратиб, турли халқ рақслари элементларидан фойдаланиш амалиётига алоҳида эътибор беради. Унинг Хоразм, Бухоро ўйинларидан оммавий “Пилла” рақсида, уйғур ва Андижон оммавий рақсларида рус, украин, белорус рақсларининг ҳаракат услубларидан фойдалана бошлайди. Аммо, бу ўзбек миллий рақслар ўз хусусиятларини тўлиқ сақлаганликлари учун рус рақсларидаги доира бўлиб айланиб, ўйинга тушиш ва баҳслашув элементидан фойдаланиш рақсларни миллий мазмунини бузмади. Балки, уларни янада бойитди, таъсирчан ижро этиш борасида М.Турғунбоевага

энги изланишлар олиб боришга туртки бўлди. Бу унинг кейинги ижодий фаолиятида ҳам ўзига хос анъана тусини олди.

М.Турғунбоевнинг энг катта мероси бу – 1957-йил ташкил этган “Баҳор” рақс дастаси эди. У аёллар рақс жамоасини тузишга қарор қилади ва унинг таркибига профессионал раққосаларни танлаб олади. Даста қисқа муддат ичида Ўзбекистонда катта шухрат қозонади, 1957-йили Москвада ўтказилган Жаҳон ёшлар фестивалида қийин синовлардан ўтиб, биринчи даражали мукофотга сазовор бўлади.

Мукаррама Турғунбоева ва Салоҳиддин Тўхтасинов биргаликда ансамбль репертуарида Ўзбекистоннинг барча вилоятлари рақсларининг бутун жозибadorлиги ва ўзига хос хусусиятлари билан ёрқин акс эттиришади. Ижро усули, либослар, оҳанглар шундай сараланадики, сахнада Фарғона хотин-қизларининг санъати акс эттирилди.

Рақс дастаси нафақат Ўзбекистон бўйлаб ўз рақсларини намойиш қилади, балки улар бутун жаҳонга ўзбек миллий рақс санъатини гўзал ва нафислигини намойиш этади. Улар ижросидаги “Баҳор” вальси, “Баёт”, “Пилла”, “Роҳат”, “Пахта”, “Тановар”, “Катта ўйин”, “Муножот”, “Наманганнинг олмаси” ва бошқа юзлаб рақслар бутун жаҳон бўйлаб кезиб катта олқишларга сазовар бўлади. М.Турғунбоева бу ансамблга умрининг охиригача – 1978 йилгача бадий раҳбарлик қилади.

М.Турғунбоева ҳаётида мураккаб вазиятлар, нохуш ҳолатлар ҳам кўп эди. Унинг оилавий муаммолари машҳурлик каби ёнма-ён бўлган. Жумладан, 1929 йили М.Турғунбоева мусиқали театр артисти Нозим Холдоревга турмушга чиқади ва 1934 йили ундан ўғил фарзандли бўлади. Ўғлига Тельмен исмини қўяди. Бироқ бу кувонч кўпга чўзилмайди, Улуғ Ватан урушига кетган турмуш ўртоғининг вафот этгани тўғрисида хабар келади. 1945 йили М.Турғунбоева театр артисти Б.Мирзаев билан оила куради ва 1946 йили яна ўғил фарзанд кўради. Бироқ, бу ўғли кўп ўтмай –

1946 йили вафот этади. Натижада бошланган ўзаро оилавий низолардан сўнг улар ажрашишади.

Истеъдодли санъаткор Мукаррама Турғунбоева бошига тушган оғир вазиятлардан куч топиб, иродали аёл сифатида мардонавор чикиб кетишга куч топади. Санъат соҳасида изланишини давом эттиради. У оғир синовларни енгишда рақс санъатини ўзига елкадош билиб курашади. Доим саҳналаштирган асарларида рақснинг нозик жихатларига алоҳида эътибор билан қарайди. Уни ҳурмат билан эъзозлайди.

М.Турғунбоева меҳнати ҳар бир даврда муносиб тақдирланиб келинган. Жумладан, 1937 йили Ўзбекистон ССР халқ артисти, 1959 йили СССР халқ артисти, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, санъаткорнинг хизматлари инобатга олиниб 1996 йили, вафотидан сўнг, Мукаррама Турғунбоевага Ўзбекистон Республикаси халқ артисти унвони топширилади.

I боб бўйича хулоса

XX аср ижтимоий-маданий ҳаёти кескин қарама-қаршиликларга бой бўлди. Бу аср икки бора жаҳон уришига гувоҳ бўлди. Бу ҳар жиҳатдан ўз вақтида санъат тараққиётига турли тўсиқлар олиб келади. Рус ҳукумати қўмонидан асрнинг турли даврларида зиёлиларга нисбатан олиб борилган маданий сиёсати мавжуд жараёнларни мураккаблаштирди.

Аср бошида ўзбек халқи санъати ва маданиятида турли қарама-қаршиликлар бўлишига қарамай театр санъати билан бирга халқ рақси ҳаётида профессионал сахна рақси ривожлана борди. Бу даврда М.Турғунбоевнинг рақс санъатига кириб келиши катта воқеа бўлди. Унинг оилавий шароити оғир бўлишига қарамай айни дамдаги фидокорона меҳнати миллий рақс санъатида кескин бурилиш ясади. Уста Олим Комилов, Юсуфжон Қизиқ Шакаржонов, Тамарахоним сингари санъат бадиомдонлари унинг ўз ижодий фаолиятида йўлини топиб олишига катта ҳисса қўмак бўлди.

М.Турғунбоева ижодининг дастлабки даврларидаги сахна рақслари мероси, кейинги даврлардаги балетмейстерлик фаолияти ўзбек миллий рақс санъатининг бадиий қиёфасини яратиб беришга кенг хизмат қилди. Унинг энг катта мероси сифатида биринчи ўзбек аёллар рақс жамоаси – “Баҳор” рақс дастаси юзага келди.

II БОБ. МУКАРРАМА ТУРГУНБОЕВА – “БАҲОР” РАҚС АНСАМБЛИ АСОСЧИСИ

Дунё санъати тарихида ўчмас из қолдирган рақс ансамбллар жуда кўп. Аммо улар орасида шундай ансамбллар борки, улар машҳурликка эришиш билан биргаликда маълум бир халқ ва минтақа маданиятига улкан таъсир ўтказган. Ана шундай рақс жамоалардан бири “Баҳор” халқ рақс ансамбли эди.

1957 йилнинг кўламида буюк ўзбек раққосаси ва балетмейстери Мукаррама Турғунбоева бошчилигида ташкил этилган “Баҳор” рақс жамоаси қисқа вақт ичида халқ эътибори ва ҳурмати қозонишга муваффақ бўлди. Одатда биргина ансамбль номини эшитибок, муҳлислар ўринларидан қалқиб кетишарди. Концерт томошалари вақтида олқиш ва қарсақлар овози сира ҳам тинмасди.

1965 йили Шимолий Африка мамлакатлари бўйлаб бўлиб ўтган гастроль сафарларидан сўнг эса Мукаррама Турғунбоева бошчилигидаги ансамбль халқаро эътирофга сазовор бўлди. Ўша кезларда рақс жамоасининг номи бутун дунёга машҳур бўлиб кетди.

Ўзининг ярим асрлик фаолияти давомида “Баҳор” ансамбли нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё рақс санъатининг асосий тараққиёт йўлини белгилаб берди. Ансамбль томонидан саҳналаштирилган рақслар замонавий ўзбек рақс мактабининг шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшди. М.Турғунбоева ҳаётлик давридаёқ, “Баҳор” рақслари халқ мулкига айланиб бўлишга улгурган эди.

2.1. “Баҳор” рақс ансамбли ижодий фаолиятида

Мукуррама Турғунбоева ўрни

Мукуррама Турғунбоевани оммавий рақслар ижро этадиган ансамбль тузиш ҳақида анча йиллардан буён орзу қилар, 50 йилларга келиб эса миллий кадрлар масаласида муаммоларнинг ечим топиши бу мақсадга имкон яратди. Уста Олим Комилов, Исоҳор Оқилов, Тамарахоним каби буюк ўзбек санъаткорлари билан бир қаторда Мукуррама опа ҳам жамоавий рақсларга бўлган эҳтиёжни эрта тушуниб етган эди. Бироқ, бу ишни шопма-шопарлик билан амалга оширишнинг иложи йўқ эди. Ҳақиқий рақс ансамблини тузиш учун машаққатли меҳнат, улкан тажриба ва узок вақт талаб этиларди.

Рақс жамоасини тузиш йўлидаги дастлабки ҳаракатлар 1954-йилда бошланади. Бу пайтда М.Турғунбоева хореография мактабини ёш раққоса қизларининг бир гуруҳини танлаб олади ва ўз қўл остида машқ қилдира бошлайди. Кейинчалик ўзбек давлат филармониясининг таниқли кўшиқчи шоири Камтар Отабоев таклифига кўра бу гуруҳга “Баҳор” номи берилади.

Одатда кўпгина санъатшунослар “Баҳор” ансамблини юзага келиш сабабини 1957 йилда Москвада бўлиб ўтган IV жаҳон демократик ёшлар ва талабалар фестивали билан боғлашга интилишади. Тўғри, бу фестиваль ансамблини расмий равишда шаклланишига катта туртки берди, бироқ юқорида айтиб ўтганимиздек ансамблнинг пойдевори анча олдинроқ қўйилганди. Буни гуруҳ қизлари мазкур фестивалда шунчаки ҳаваскорлар сифатида эмас, балки профессионал раққосалар сифатида иштирок этиши ва уларнинг фестиваль олтин медалини қўлга киритиши билан ҳам изоҳлаш мумкин. Зеро, “Баҳор” рақс жамоасини Москвада бўлиб ўтган фестивалда қатнашиши тасодиф эмасди, балки, бир неча йиллар давомида М.Турғунбоева қўлида сабоқ олган ёш қизларнинг маҳорати анчагина шаклланган эди.

Фестивалдан сўнг рақс жамоасини сақлаб қолишга қарор қилинади. 1957 йилнинг кўкламида жамоага расмий равишда “Баҳор” рақс ансамбли номи берилди ва гуруҳ тўлиқ шакллантирилди. М.Турғунбоева ансамблнинг бадий раҳбари сифатида фаолиятини бошлади. Шундай қилиб “Баҳор” рақс ансамбли ташкил топди. Ансамблни вужудга келишида М.Турғунбоева билан бир қаторда И.Оқилов, К.Отобоев, М.Мирзаев, Б.Алиев, Қ.Дадаевларнинг ҳам хизмати катта бўлган.

Ансамбль ҳақидаги фикрларни давом эттирар эканмиз шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, “Баҳор” бу соф аёл раққосалар жамоаси эди. Ўша даврда мавжуд рақс жамоалари орасида “Баҳор” ансамблини ажратиб турувчи асосий хусусият ҳам айнан шунда эди. Ансамблни айнан аёллардан ташкил топишида ҳам рамзий маъно бор эди. “Баҳор” – мустақил ва ўз кучига ишонган замонавий Шарқ аёлларининг ўзига хос тимсоли ҳисобланарди. Бу айниқса ансамбль рақсларининг бадий ғоявий талқинида ўз аксини топди.

М.Турғунбоева мумтоз рақслар билан бир қаторда турли вилоятларга хос бўлган ўйинларга ҳам мурожаат қилди. Анъанавий ўйинларни сахналаштирар экан истеъдодли балетмейстер уларга замонавий руҳ бахш этишга ҳаракат қилди. Эътиборли жиҳатлардан М.Турғунбоева рақсларда балет элементларидан ҳам кенг фойдаланган.

Рақс жамоаси фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб, Мукаррама Турғунбоева ансамблга ёш ва иқтидорли раққосаларни жалб этишга ҳаракат қилади. Даставвал, ансамбль ўн икки киздан иборат бўлган бўлса, вақт ўтиб бу кизларнинг сони қирқтагача етади. Раққосалар билан бир қаторда ансамблда маҳоратли созанда ва хонандалар ҳам фаолият кўрсатарди. “Баҳор” рақслари одатда созандалар жўрлигида ижро этиларди. Шу билан бирга ансамблнинг ўз бастакорлари ҳам бор эди. Биринчи йиллар М.Мирзаев “Баҳор” рақсларига мусиқа басталаган бўлса, кейинчалик ансамблга Б.Алиев бастакорлик қила бошлади.

Ансамбль фаолиятининг 1957 йилдан то 1965 йилгача бўлган даврини биз “Баҳор”нинг шаклланиш ва профессионал ансамбль савиясига кўтарилиши даври сифатида кўрсатишимиз мумкин. Бу даврда М.Турғунбоева асосий эътиборни ансамбль репертуарини бойитишга қаратди. Бу рақслар орасида айниқса М.Мирзаев томонидан махсус басталанган “Баҳор вальси” катта муваффақият қозонди. Европа ва ўзбек рақс хатти-ҳаракатларини ўзаро уйғунлашуви асосида яратилган “Баҳор вальси” ансамблнинг ўзига хос рамзига айланди.

1965 йили “Баҳор” ансамбли Шимолий Африка бўйлаб ўзининг биринчи чет-эл гастролга йўл олди. Африкадаги сафар чоғида “Баҳор” Судан, Миср, Ливия, Жазоир, Тунис, Марокаш давлатларида концерт томошаларини намойиш қилди ва ўз рақслари билан бутун дунёни лол қолдиришга муваффақ бўлди. Ансамблнинг Ливиянинг Триполи шаҳрида намойиш этган концерт томошаларининг биридан сўнг, мухлислар чуқур хайратга тушишади. Шу кунга қадар ливияликлар учун дунёда Собик Иттифок деган мамлакат мавжудлиги маълум эди, аммо бу иттифок ичида ўзбеклар деган халқ борлиги ва бу халқ юксак маданиятга эга эканлиги улар учун бутунлай қоронғу эди.

Умуман ўз фаолияти давомида “Баҳор” рақс жамоаси саксондан ортиқ мамлакатларда гастроль сафарларида бўлиб қайтган. Бундан ташқари ансамбль турли мамлакатларда ўтказилган фестиваль ва байрамларда ҳам иштирок этиб, ўзбек рақсининг ўзига хос нозик жиҳатларини тараннум қилишади.

1960 йили эса ансамбль ҳаётида муҳим воқеа юз берди. “Баҳор”га давлат ансамбли мақоми берилди. Расмий фаолиятининг учинчи йилидаёқ “Баҳор”га давлат ансамбли мақоми берилиши, рақс жамоаси эришган дастлабки катта ютуқлардан бири бўлди десак муболаға бўлмайди.

Бу орада кўплаб эътиборга лойиқ ансамбль томонидан ижобий
назар юзага чиқади. Айниқса орадан етти йил ўтиб, “Баҳор” ансамблига
қизмат кўрсатган ансамбль унвони тақдим этилди. Ансамбль репертуарида
“Роҳат”, “Етти гўзал”, “Тошкент пиёласи”, “Чоргоҳ”, “Шабодалар”, “Аста
қолаб”, “Афғонча” каби қатор ранг-баранг рақсларнинг жамлангани
эътиборни тортади.

Агар дастлаб “Баҳор” репертуарини Фарғона рақс мактабига хос
бўлган рақслар эгаллаган бўлса, кейинчалик репертуарда “Хоразмча”,
“Ўйгурча”, “Қорақалпоқча”, “Бухороча”, “Панжобча”, “Покистонча”,
“Арабча” рақслар ҳам пайдо бўлди. Бироқ М.Турғунбоева бу рақсларни
шунчаки ўзлаштирмади, балки уларга янгиликлар қўшди ва янада
замонавийлаштирди.

1970-йиллар ансамбль фаолиятининг чўққиси сифатида белгиланади.
Бу даврга келиб ансамбль доврўғи бутун дунёга тарқалди. “Баҳор” рақс
жамоаси бутун Республика ифтихори ва рамзига айланади.

Аммо, рақс жамоасининг фаолияти доимо ҳам бир текис кечмади.
1978-йили “Баҳор” рақс ансамблнинг ташкилотчиси ва раҳбари
М.Турғунбоева ҳаётдан кўз юмди. Ансамбль учун бу улкан йўқотиш эди.
Зеро, М.Турғунбоева “Баҳор”ни дунёга келтирган ва уни вояга етказган
инсон эди. Йигирма бир йил ичида Мукаррама опа раққосалар учун
вафақат устоз ва мураббий, балки меҳрибон она ҳам бўлиб қолган эди. Шу
сабабли ҳам М.Турғунбоева вафотидан сўнг “Баҳор” ансамблига буюк
раққосанинг номи берилди.

1979- йили ансамбль раҳбарлиги М.Турғунбоеванинг шогирдларидан
бири, машҳур раққоса ва балетмейстер Қундуз Миркаримовага
топширилди. Жамоадаги оғир тушкунликка қарамай Қ.Миркаримова қисқа
вақт ичида ансамблнинг ижодий кайфиятини қайтадан тиклашга эришди.

Қ.Миркаримова балетмейстер сифатида “Баҳор” ансамблида ўн йил давомида раҳбарлик қилди. Бу давр оралиғида Қундуз опа томонидан “Хотира”, “Мустахзод”, “Ўзбекистон қизлари”, “Навруз”, “Танавор 2”, “Танавор 3”, “Сурнай навоси”, “Эй сарви равон”, “Хамса”, “Насри сеғох”, “Тоғ кизи”, “Дилхирож”, “Нурхон” каби кўплаб рақслар сахналаштирилди. Айниқса унинг М.Турғунбоева хотирасига бағишланган қирк беш кишилик “Хотира” оммавий рақси томошабинлар юрагидан чуқур ўрин олди. Бундан ташқари тарихий сиймоларни акс эттирувчи “Хамса” рақси катта муваффақият қозонди.

Ўзининг балетмейстерлик фаолияти давомида Қ.Миркаримова турли мавзуларга мурожаат қилди. Булар орасида миллий ва замонавий мавзулар билан бир қаторда тарихий ва этнографик мавзулар ҳам бор эди. Бу даврда айниқса композицион рақслар сахналаштиришга катта эътибор берилди.

1988-йили “Баҳор” ансамбли раҳбарлиги М.Турғунбоеванинг истеъдодли шогирдларидан бири Равшаной Шариповага топширилди. Шарипова, Р.Шарипова жамоага бор йўғи икки йилгина раҳбарлик қилди. Ансамблда юзага келган баъзи ташкилий муаммолар туфайли Р.Шарипова жамоадан кетишга мажбур бўлди. 1990 йили “Баҳор” рақс жамоаси раҳбарлиги М.Турғунбоеванинг бошқа бир шогирди, машҳур рақсчи ва истеъдодли балетмейстер Маъмура Эргашевага топширилди.

1990- йиллар бошида ансамбль мураккаб даврни бошдан кечираётган эди. Рақс жамоасида иқтисодий муаммолар юзага кела бошлаган эди. Рақсчиларнинг иш ҳақи камлиги ва буни устига вақтида берилмаслиги ансамбль яхлитлигига таъсир қила бошлади. Гастроллар кўлами ҳам сезиларли даражада қисқарди.

Бадий раҳбарликнинг биринчи кунларидан бошлаб М.Эргашева мавжуд муаммоларни ижобий тарафга ҳал этишга, жамоадаги ижодий қараённи жонлантиришга ҳаракат қилди.

Бу даврда М.Эргашева томонидан “Баҳорим”, “Фигонким”, “Сенинг сарашларинг”, “Наврўзи ажам”, “Тул ва булбул”, “Ўйнаса”, “Хаёлий киз”, “Ўзбекистон”, “Уч доира рақси”, “Бебахолардан”, “Ялла айтайин”, “Сафти муножот”, “Бунча гўзал”, “Эрта билан тураман”, “Бухороча рақс”, “Билакузук”, “Хоразмча қорагул” (композиция), “Эркалаб”, “Парвона”, “Фаргона гўзали”, “Хива гўзали”, “Андижон полькаси” рақслар саҳналаштирилди.

Бирок, барча саъй-ҳаракатларга қарамай ансамблда мавжуд муаммолар чуқурлашиб боришда давом этади.

1990-йилларнинг ўрталарига келиб, рақс жамоасининг молиявий имкониятлари сезиларли даражада чекланиб қолди. Ансамблга ёш интидорли раққосаларнинг келиб қўшилиши камайди. Афсуски, бу каби муаммоларни нафақат “Баҳор” ансамбли балки, Республикадаги барча рақс жамоалари бошдан кечираётган эди.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида, 1997 йили 8 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида” Фармони чиқди. Фармонга кўра М.Турғунбоева номидаги “Ўзбек миллий рақс бирлашмаси” яъни “Ўзбекрақс” тузилди. Бу бирлашма олдида Ўзбекистондаги рақс жамоаларини ўз таркибида бирлаштириш ва уларнинг фаолиятини бошқариш вазифаси қўйилди.

1997 йили “Ўзбекрақс” ташкилоти бошчилигида “Баҳор” ансамбли, “Лазги”, “Шодлик” каби машҳур ансамбллар билан бир жамоага бирлашди. Юқоридаги рақс жамоалари каби “Баҳор” ҳам беш йил муддатга барча солиқлардан озод этилди. Бу муддат ичида ансамбль

муштакил хўжалик фаолиятига ўтиши ва ўз харажатларини ўзи коплаши мумкин эди.

Аввало шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, “Баҳор” ансамбли бу каби ўзгаришларга тайёр эмасди. Энг катта муаммо эса миллий рақс ансамблидан тижорий мақсадларда фаолият кўрсатувчи рақс жамоасига айлантиришнинг иложи йўқ эканлигида эди. Зеро, “Баҳор” миллий руҳдаги рақс ансамбли ҳисобланарди. Репертуардан ўрин олган 200 дан ортиқ рақсларнинг асосий қисми давлат байрамлари ҳамда катта томошабинлар аудиторияси учун мўлжалланган яққа ва оммавий ўйинлар эди. Табиийки бу рақслар билан ансамбль тўйларда ёки коорпаратив кечаларда иштирок эта олмасди. Умуман халқаро савиядаги ансамблнинг бу каби тадбирларда иштирок этиши мантиққа тўғри келмасди. Шу сабабли ҳам ансамблни бу каби шароитга мослашишга имконияти йўқ эди.

2002 йилнинг декабрь ойидан бошлаб “Баҳор” учун берилган муддат қўллангани ва ансамблни давлат томонидан молиявий жихатдан таъминлаш қўлатилди. Натижада эса ансамбль парчалана бошлади. Кўпгина раққоса ва созандалар жамоани тарқ этишга тушишди. Қачонлардир ўз таркибида қўлдан ортиқ раққоса, хонанда ва созандаларни бирлаштирган коллектив сони ўн олти кишига тушиб қолди. Бунинг устига эса ансамбль ўз концерт залидан маҳрум бўлди.

Албатта, “Баҳор” ансамблининг бадиий раҳбари М.Эргашева мавжуд муаммоларни ўнглаш мақсадида кўплаб давлат ташкилотларига мурожаат қилди. Бироқ, бу уринишларнинг барчаси фойдасиз бўлиб чиқди. Мустақкам молиявий асосиз, “Баҳор” каби миллий рақс ансамблининг фаолият кўрсатишининг иложи йўқ эди. Орадан кўп вақт ўтмай бу ҳақиқат аниқлашда ўз исботини топди. М.Турғунбоева номидаги “Баҳор” халқ рақс ансамбли тарқалиб кетди.

Бутун жаҳонга машҳур рақс жамоасини бу таклидда ўз фаолиятини тиклашга икки асосий жиҳатни кўрсатиш мумкин. Биринчидан бу ансамблнинг молиявий томондан таъминлашнинг тўхтатилиши бўлса, иккинчидан бу “Ўзбекрақс” бирлашмасининг фаолиятидаги ўз вазифасига бўлган лоқайдлик, дейиш мумкин. Зеро, рақс жамоаларини бошқариш вазифаси айнан “Ўзбекрақс” бирлашмасига юклатилган эди. Бироқ, “Баҳор”, “Лазги” каби машҳур ансамбллар тарқалиб кетди.

Юқоридаги барча муаммоларга қарамай, Мукаррама Турғунбоева ташкил этиб, умрининг охиригача сайқаллаб, дунё сахнига ўзбек номини олиб чиққан, “Баҳор” ансамблини қайта тиклаш имконияти ҳанузгача мавжуд. Зеро, рақс жамоасини тарқалиб кетганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Ансамблнинг кўпгина раққоса ва балетмейстрлари ҳали ҳаёт. Улар буюк рақс жамоасининг тикланишига муштоқ. Шундай экан, “Баҳор” рақс ансамблини қайта тиклаш бугунги кунда ўзбек рақс санъати олдида турган энг долзарб вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил, 15 февралдаги “Маданият ва санъат соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори билан “Ўзбекрақс” бирлашмаси ҳам тугатилди. “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси ва “Ўзбекрақс” бирлашмалари негизида ташкил этилган “Ўзбекконцерт” эндиликда рақс санъатини ривожлантириш борасида давлат сиёсатини юритади. Мазкур муассаса миллий рақс санъати тараққиёти жараёнларига тўсиқ бўлувчи муаммоларни ҳал этишга ва ижодий баркамолликка етакловчи одилona фаолият олиб боради, деган умиддамиз.

2.2. Мукаррама Турғунбоевнинг рақс сахналаштириш

сирлари

Мукаррама Турғунбоевнинг ўзбек миллий рақс санъати тараккиётига қўшган ҳиссаси катта бўлиб, унинг рақс сахналаштириш борасида олиб борган ишлари бугунги кун соҳа педагогикасида катта мактаб эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

М.Турғунбоева балетмейстерлик фаолиятида Уста Олим Комилов ва Тамарахоним томонидан сахналаштирилган махсус мусиқали драмаларда “Дучава”, “Катта ўйин”, “Усмония”, “Садр”, “Уфори сохта” номли умумий рақсларни, “Дилхирож” яққа рақси, “Ўтдан парчалар”, “Кимга”, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” ва бошқа спектакллар рақсларини ижро қилиши унинг амалий билимларини мустаҳкамлаб, катта аҳамият касб этган. У ҳар бир ҳаракатнинг мазмунини очиб бериш учун эса кунт билан ишлаш, унинг ҳар бир ҳаракатини ўйлаб, эҳтиётлик билан бажариш керак эканлигини англаб етди. М.Турғунбоевнинг мусиқали театридаги фаолияти ўзбек рақс меросини ўрганиш ва рақс маҳоратини эгаллаш даври бўлди. Унинг кичик тадбирларда халқ рақсларини ижро этувчиларни кўп қузатиши ва ўзига хос дарслик бўлди.

“Унинг устозлари таниқли санъаткор Юсуфжон Қизик Шакаржонов, марғилонлик раққоса Қимматхон Султонова ва Наманганлик рақс артистаси Шарофат Сатанг, устозлик қилиб Мукаррама Турғунбоевнинг профессионал раққоса бўлиб етишишига сабабчи бўладилар. У мусиқали театрда Уста Олим Комилов ва Тамарахонимдан сабоқ олди. Доира усуллари жўрлигида Фарғона рақс мактабининг “Катта ўйин” оҳанг-пластик усулларини ўрганади”¹.

Мукаррама Турғунбоева қобилияти ва маҳоратли бўлганлиги боис 1936 йилида янги очилган I Республика балет мактабига педагогликка

¹ Авдеева Л. Мукаррама Турғунбоева рақси. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1989 йил. 112-бет

тасвир этилган. Уша йили у ўзининг мустақил рақси – “Пахта” номли биринчи ўзбек балетини сахналаштирди. Унга Уста Олим, россиялик машҳур педагог, балетмейстер, европа мумтоз рақс билимдони Константин Бек яқиндан ёрдам берган. Унинг “Қизил карвон” - (1936) сахна рақс картинаси ҳам илк ижодий ишларидан бири эди.

“Мукаррама Турғунбоева кейинчалик ўзининг кўп йиллик ижодига хос бир нечта оммавий ва яккахон рақсларни сахналаштиради. 1936 йили сахналаштирилган рақслар орасида Хоразмча, Фарғонача ва Бухороча услубдаги композициялар ташкил топган. Уларнинг барчаси халқ рақслари қонунларига хосдир. Ўзбек рақслари сахна қонунларига асосланади ва улар турли рақс образларидан таркиб топади”¹.

Москвада халқ ансамбллари раҳбарлари иштирокида 1967 йили ўтказилган семинарда И.А.Моисеев М.Турғунбоевага машғулотларда бергина ҳаракатни ўзгартириш асосида ҳаракатлар туркумини яратиш мумкин бўлган усулларни кўрсатди. Шу асосда М.Турғунбоева уйғурча рақсдаги асосий қоидаларни ўзгартириш бўйича халқ сахна рақсининг муҳим хусусиятларини очиқ берди. М.Турғунбоеванинг бу мероси ҳазирги кун рақс сахналаштиришда катта аҳамият касб этмоқда.

М.Турғунбоева 1936-1978 йиллар давомида яратган “Пахта” рақсининг бир неча вариантлари рақс санъатида маъно ва мазмун афодалашга доир ўзига хос кўрсатма вазифасини ўтайди ва ўзбек рақс санъатининг бадиий рамзига айланди.

Мукаррама Турғунбоеванинг халқ ўйинлари асосида яратган сахна рақсларида асосий ҳаракатлар шаклини ўзгартириш йўли билан таъсирчан ҳаракатларни танлаб, рақс гўзаллигини бойитар ва ихчам рақсларни вужудга келтирарди.

¹ Авдеева Л. Мукаррама Турғунбоева рақси. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1990-беглар.

М.Турғунбоева халқ ўйинларининг сахна вариантларини яратишдаги муҳим нарсаси, рақсдаги асосий ҳаракатларни аниқлаб олишда деб

Мукаррама Турғунбоева Уста Олим Комилов ва Тамарахоним билан 1943 йили яна бир меҳнат рақсини – “Пилла”ни яратди. Бунда Турғунбоева аввалгилардан фарқли равишда рақснинг биринчи қисмидан воз кечади ва иккинчи қисмини ривожлантирди. Ушбу рақсда билан пилла курти боқаётган қиз ҳақида куйланади.

Мукаррама Турғунбоева “Пилла” рақсидаги гул тикиш, тўқиш, қўлларни боқиш, ипак йиғириш каби ҳолатлардан фойдаланиб, бир қанча замонавий ўйинларни яратдики, улар ўзбек рақс меросига айланди.

“Мукаррама Турғунбоева профессионал рақслар техникасини ўзлашган даврини, ишнинг бошланиши деб ҳисоблаган. Бу рақсларнинг мазмунини чуқур ўрганиш, бунинг учун рақс ва умуман санъат тарихи билан танишиш лозим эди”¹.

Ўзбек миллий рақслари бойлигини кўра олган Мукаррама Турғунбоева улардан фойдаланиб, яна ўнлаб замонавий рақслар яратди ва рақсда меросимизни бойитди. Рақснинг мазмунида озодлик учун оғир кураш олиб бораётган, ўзбек хотин-қизларига бағишланган драманинг асосий мазмуни ўз ифодасини топди.

Уша давр хотин-қизларининг ғайрат ва шижоатли, жасур ва ғаммакатли, ёқимли ва нозик образи рақснинг ҳислатларини ифодалаш учун усталик билан яратилган ҳаракатлар воситасида жуда тўғри кўрсатилган.

Мукаррама Турғунбоева 1944 йили “Жонон” рақсини сахнага кўяр билан, рақсда ёшлик мадҳияси, севги кўшиғи янграйди. Рақсдаги раққосанинг ҳар бир ҳаракати шодиёналикка бой. Бу шодиёналик

¹ Аалеева Л. Мукаррама Турғунбоева рақси. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1999 й. 92-бет.

ракосанинг серҳаракат, бакуват гавдасини тез айлантиради, мафтун этувчи кўзлари эса гоҳ жилва билан боқар, гоҳ ўзига чорлар, гоҳ индийлашар, маъюсланар, гоҳ эҳтиросга тўлар, гоҳ табассум билан кулиб боқади. Аслида “Жонон” рақси – севгига иқроп бўлиш рақсидир.

Мукаррама Турғунбоева яратган рақсларнинг энг яхшиларидан бири ва кимматлиси шубҳасиз – “Тановар”дир. Бу рақснинг яратилишига рақснинг севимли кўшиғи “Қора соч” асос бўлган. Бу кўшиқда “ичкарида” ҳақ чеккан аёлнинг доимо пинҳон сақлашга мажбур этилган севгиси рақсда куйланади. Мана шу севги изтиробини М.Турғунбоева ижодида “Танавор”га айланди. “Тановар” – биргина рақс эмас, балки хореографик поэма ҳамдир.

М.Турғунбоева балетларда иштироки миллий рақс пантомималари асосида кичик мазмунли хореографик рақс яратишга имкон берди. У ўз ижодининг йигирма йиллигига бағишлаб, ўзбек хотин-қизларининг йигирма йил ичида босиб ўтган йўлини тасвирловчи “Озодлик” хореографик кўринишдаги янги бир картинани яратган. Мазкур композиция озодлик нашидасини тараннум этади.

М.Турғунбоева “Ғайратли қиз” рақсида балет спектаклининг сахна ҳолатларидан фойдаланиб, ўзбек сахна ўйинига Европа классик рақсининг ширин ҳаракатларини киритади ва муваффақиятли рақс асарига асос солади.

“Кейинроқ Мукаррама Турғунбоева Европа классик ва ўзбек рақсларининг пухта эгаллаган ёш ўзбек раққосалари учун ҳам рақслар тарғиб қилина бошлади ҳамда ўзбек рақсининг европача сахна рақсларига қўшилган янги бир турини ҳосил қилди. Бу ижодий ишни Мукаррама

Турғунбоева ўзбек раксидан ўзи дарс бераётган хореография билим кўрсатида бошлайди”¹.

Мукаррама Турғунбоева 1953 йили билим юртининг хисобот концертида оммавий рақсларни сахнага кўйиш устида ишлар экан, халқ ўйинларининг ижро этиш ҳаракатлари ва услубидан дастлаб фақат тантаналиқ ҳаракатини ўзгартирган ҳолда фойдаланди.

Мукаррама Турғунбоеванинг “Баҳор” ансамбли учун “Наманган” рақсини яратишда рус халқининг “Берёзка” ансамбли рақсларидан биридаги сахнага чиқиш картинасидан фойдаланган. Раққосаларнинг сахнага чиқиши шўх ўзбек қизларининг ашула айтиб ўйнайдиган рақслари бир-бирига узвий боғланган.

М.Турғунбоева дастлабки даврдаги “Баҳор” раққосаларининг ижро услубида балет ва ўта миллий техник усул ҳамда ҳаракатларни барлаштирган.

“Баҳор” ансамбли иш бошлаган кезларда, рақсларнинг мазмуни лирикага монанд келган. Бу ансамбль кимнидир таажжублантирган, кимгадир эса ёқмаган, яна кимлар учун кўнгил ғашлигини унутиб, ҳаётга бўлган завқу-шавқни оширишда кўмакчи бўлган.

Аммо ансамбль қизғин ҳаёт кечиришда, Мукаррама Турғунбоева эса кўнгилдан-янги композициялар яратишда давом этган. “Баҳор” ансамблининг санъати республикамизнинг барча худудларига етиб боради, барча сахналарни эгаллади, гўёки узок вақтдан буён иш кўриб келаётгандек зарур ва одатий бўлиб қолди.

Мукаррама Турғунбоева сахналаштирган яқка ижро этилувчи “Баҳор” ва “Шўх қиз” рақслари классик балет рақсларига яқин турувчи европача сахна рақсининг руҳида қайта ишланган ва ўзбек халқ ўйинлари

¹ Авдеева Л. Мукаррама Турғунбоева рақси. –Тошкент: Ф.Фулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1989 й. 94-бет

қосида тузилган. Бу рақсларнинг пухта ишланган мазмуни раққосаларга
қийин рақс сахналарини яратишга имконият берди. Бу рақсларнинг
қилчилари ёш қизлардан иборат бўлган.

М.Турғунбоева ҳамма раққосалардан рақс техникасини мукаммал
қиллашни талаб қилган. Шунинг учун ҳам улар фақат рақс техникаси
билангина эмас, балки ҳозирданок аниқ шаклланган бадиий маҳоратлари
билан бошқалардан ажралиб турган.

Мукаррама Турғунбоева ёш актрисаларнинг санъатини янада
қилатиришга, уларнинг санъат соҳасида танилган шахс бўлиб
қилланишларига доимий ёрдам бериб борган.

М.Турғунбоева якка ижро этиладиган рақсни ёки оммавий рақснинг
қил ижро этиладиган парчаларини ансамбль қатнашчиларига топширар
қан, у раққосанинг қобилиятига мос келадиган рақс ва алоҳида
қилатларни ўта синчиковлик билан ўрганиб танлаганлар.

У ўзининг рақс ижро этиш услуби билан чинакам нодир халқ
раққосаси бўлибгина қолмай рақс техникасини юксак, профессионал
қилняда эгаллаган, рақсларини ўз-ўзидан ёхуд қалб иштиёқининг амри
билангина эмас, қўлига қалам-қоғоз, чизғич, паргар олганча чамалаб,
қилсоблаб, чизиб кўриб, чуқур мулоҳаза юритиш натижасида яратган.
Сахнада эса рақсни дилдан ижро этиб, техника усулларини шу қадар
қилёрлаганки, қандайдир жисмоний қийинчиликлар бўлиши мумкинлиги
ўзининг ҳам, томошабинларнинг ҳам ёдига келмаган. Бу машаққатли
қилхнат натижасидаги чинакам маҳорат эди.

II боб бўйича хулоса

М.Турғунбоева фаолиятининг ёркин даври – бу албатта “Баҳор” ансамбли билан боғлиқдир. Баҳор бу – асрий орзулар ва уларнинг ижобати эди.

“Баҳор” аёллар рақс дастаси эди. Билиш мумкинки, бу ансамблнинг аёллардан иборат бўлиши бежиз эмас. Бу – Шарқ аёлларининг ўзига хос овозлик рамзи ҳамдир.

“Баҳор” ансамбли ўзбек миллий рақс санъати ривожланиши учун ўзига хос лаборатория вазифасини ўтади. Рақс сахналаштириш сирларини мукамал ўзлаштирган М.Турғунбоева айнан мана шу ансамблда ўз ёқодий намуналарини синовдан ўтказар, маҳоратли шогирдлари ижросида мавжуд камчиликларни ўрганишга ва тўғрилашга эришар эди.

“Баҳор” ансамбли М.Турғунбоеванинг самарали меҳнати натижасида нафақат ўзбек, балки Ўрта Осиё халқларининг рақс борасидаги орзуларини амалга оширишга ва нафақат миллий, балки қардош халқлар рақсларини дунё сахнига олиб чиқишга мушарраф бўлди.

М.Турғунбоеванинг рақс сахналаштириш борасидаги бой тажрибаси бугунги кун ўзбек рақс санъати тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга.

М.Турғунбоеванинг 1929 йилдан 1933 йилгача Муסיқа театри студиясида Уста Олим Комилов, Юсуфжон қизик Шакаржонов, Тамарахоним каби рақс билимдонларидан олган таълими, профессионал билимлари унга рақс санъатида чинакам халқ йўлини яратишга ёрдам берди, юксак маҳорати рақсни юзага чиқаришдаги барча тайёргарлик босқичларини назардан олиб қочиш, нафасини, мушак-пайларини измида тутишга шу қадар имкон берди.

III БОБ. МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВА

САҲНА ЭТИКАСИ

Ўзбек рақс санъати мактаби яратилишига ва ривожланишида ўзининг беқиёс хиссасини қўшган устозлардан Уста Олим Комилов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоевалар деб айта оламиз. Булар ичида ўзига хос йўналишга эга ўзбек рақс мактабини яратган педагог, балетмейстер, хореограф, актриса ва раққоса “Баҳор” рақс ансамблининг асосчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Мукаррама Турғунбоеванинг хизмати шунчалар кенг ва беқиёски, унинг таърифини биргина сўз билан ифода қилиш имкони йўқ.

Мукаррама Турғунбоеванинг рақслари орқали нафақат ўзбек рақсининг жозибadorлигини, балки, халқимиз либослари ва такинчокларининг ўзига хос хусусиятларини, этник киёфасини кўриш мумкин. Зеро, халқимизнинг кийим-кечаклари, либослари уларнинг турмуш тарзи, этник келиб чиқишига қараб умумий ва ўзига хос хусусиятларни намоён қилади. Ҳар бир ҳудудда ўзига хос ранглар, нақшлар, орнаментлар мавжуддир.

Бугунги кун миллий рақс тарихи ва анъаналари ўраганилар экан, М.Турғунбоеванинг миллий рақс санъатида саҳна этикаси, рақс либоси ва такинчоклари юзасидан олиб борган амалий ишлари ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаганини, аксинча, ўзига хос дастурул-амал бўлиб хизмат қилаётганини кўриш мумкин.

3.1. Рақс либослари ва унинг Мукаррама Турғунбоева ижодидаги ўрни

Либос тарихи инсоният тарихи билан баробардир. Бу атама италян “costume-одат, удумлар” – сўзи билан синоним бўлиб, унинг урф-одат, анъаналар билан ўзаро боғлиқлигини билиш мумкин. Инсоният тарихининг дастлабки даврларида либос ягона мақсад ва вазифани ўташи билан ажралиб туради. Либослар узок даврлар мобайнида инсоннинг ижтимоий, миллий ва ҳудудий белгисини намоёниш этиб келиши билан бирга инсон жинси, ёши, касб-хунари ҳақида маълумотларни ўзида жамлаб берган. Бу инсонларнинг яшаш тарзи, иш фаолияти билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Шу билан бирга либос маълум тарихий давр ёки ҳудуд, миллат ва эллатларнинг маиший ҳаётида ўрин олган анъана ва удумларини акс этган.

Либос тарихи давомида кўпгина ҳолларда белгили бўлиб, ён тирфоқдагиларга инсон ҳақида асосий маълумотни етқозишга қаратилган. Хусусан, либос орқали биз инсоннинг ижтимоий даражаси, сиёсий қарашлари, дини, маданияти, миллати ва эстетик диди хусусида хулоса чиқарганимиз мумкин бўлган. Унинг энг муҳим ва ўзгармас вазифаси эса – шаймоя қилиш бўлган.

Анъанавий либос инсон ёшини, миллатини, яшаш ҳудидини ўзида акс этган алоҳида орнаментларга бой бўлган. Шунингдек, либослар ижтимоий-жинсий вазифани ҳам алоҳида белгилаб беради. Хусусан, ҳар бир анъанавий либосда нафақат инсонни жинси, балки оилада тутган ўрни ва мавқеини намоён этиши ҳам кузатилади. Масалан, турмушга чиқмаган қиз, жувон, бевалар либоси шулар жумласидан.

Тарихан жамиятда ўзга либосларини кийиб юриш чекланган эди. Аммо ҳозирги замон либослари бу вазифани бажармайди: аксинча нафақат оилавий мавқеи балки жинсини аниқлаш ҳам мушқилдир.

Либослар инсонни аниқ табакага, ижтимоий синфи ёки ижтимоий гуруҳга мансублигини намоён этиши билан бирга махсус касбга тааллуқли эканини ҳам намоёиш этади. Бу жиҳат ёркин тарзда ўрта асрлардан тортиб намоёиш бўлганини кўрамиз.

Либослар шунингдек, худудий анъаналар, иклим шарт-шароитлари, тарихий тарзи шу ерда истиқомат қилган миллат ва халқларнинг миллий анъаналари билан бевосита боғлиқ бўлади. Замоनावий босқичда миллат белгисини намоёиш этувчи либослар алоҳида мавқеига эга.

Либос – маданият махсули сифатида махсус воситалар ёрдамида тарихий босқичда турли туман жиддий ўзгаришларни ўзида акс этиб қолган. Маданиятнинг элементи ва махсули сифатида либос – санъат тарихига кирди у амалий-безак ҳамда дизайн санъати асарлари сифатида тарихимиз этила бошланди.

Санъат турларининг илк шаклланиш палласида уларнинг бадиий тарихига бўлган иштиёқ англалмаган бўлсада, инсонларнинг онги ва диди ўзиб боришида либосларнинг бу жиҳатига аҳамият ортиб борди. Бадиий образ яратишда либосларнинг ўрни ва аҳамияти ортиб борди.

Либос маданиятнинг бир кўриниши сифатида ҳамيشа фаол ҳаракатда бўлиб, шахснинг психологик ўзига хослигини акс этади. Бироқ, либоснинг ижтимоий ва эстетик вазифаси алоҳида ўринга эга.

Кийиниш маданиятининг тобора ривожланиши аста секин либоснинг тарихий вазифаси иккинчи даражага чиқариб, унинг ижтимоий ва рамзий вазифалари инсон ҳаётида етакчилик ўрнини эгаллади.

“Либос новербал маданий матн сифатида ўзига хос кодлаштириш тартибига эга бўлиб, ижтимоий-маданий кадриятлар, маълум ахборотни тарқатиш ва намоёиш этиш, фазовий ва вақт чегараларини ўзида мужассам этади. Вақт чегараси тарихий ривожланиш босқичида либосларнинг тарихий рамзий белгилари ўзгариши билан аниқланади. Фазовий чегараси эса бир

рамзий белгиларни (миллий, худудий ва ҳ.к.) бир вақт масофасининг
ўн йилликлар) мужассамлигида кўринади.

Маълумки, XVIII асрга қадар Европа маданиятида либосни ривож
моний ва этник дифференциясини белгилаган, сўнгра инсоннинг ички,
визуал оламини ёритишга қаратилган. Европа маданиятлардан
ўлароқ Шарқ мамлакатлари ушбу масалада анъанавийлик ва бир
вазминлик билдирган. Европа шаҳар либосини Шарқ халқлари
либосларидан рамзий-белгили фарқи аввало уни худудий-цивилизацион
белгилари, яъни яшаш тарзи, турмуши, дунёни идрок қилиши, тафаккури,
техник тараққий этилиши ва бошқа бир мунча мезонлари билан
фарқланган”¹.

Санъатнинг мусиқа, хореография, либос дизайни сингарилари
танган мустақил бўлиб, турли-хил ижод турлари бўлишига қарамай,
ларнинг орасида бир-бирини боғлаб турувчи жиҳатлар мавжуд. Тарихда
қандай лавҳалар бўлганки, айнан сахнавий либос маиший кийимнинг
фор мода йўналишини очиб берган. Мода ва либослар тарихида бевосита
хореография санъати либос санъатининг ривожланишига катта улушини
қилган намуналари ҳам мавжуд бўлган.

Хореография ва либос борасида уйғунлик масаласида 1900 йилларда
ракс санъатига кириб келган ёш раққоса Айседора Дункан ҳеч кимга ҳали
таниш бўлмаган янгилик яратади ва нафақат рақс, балки хореографияда
ракс либоси билан катта тўнтарув қилишга муяссар бўлади. Раққосанинг
қарича рақс санъатининг жозибаси ва гўзаллиги академик балет ҳолат
қилишларнинг композициясида эмас балки энг аввало табиий
ҳаракатларида кўриш мумкиндир.

Айседора Дункан ҳамisha яланг оёғ рақсга тушиб, устидаги либос
қимми юнон кийимларни эслатувчи юпка матодан тикилган корсетсиз
қилин устки-кийим ва енгил рўмолдан ташкил топган.

¹Белихова М.П. Символика костюма в контексте культур //Авт кан. дис. -Ростов на Дону, 2003. – С. 3

Унинг томошабинлар олдида илк чиқишлари, хусусан, балеринанинг хос ҳаракатлар пластикаси, ташқи кўриниши ҳаммани ҳайратда қолдирган. Аста секин Айседора Дунканнинг эмоционал хореографияси ва эркин услуби санъат ихлосмандларини антик оламининг содда услубига ҳам шайдо этади.

Муסיқада ритмнинг хис қилиниши, хореографияда пластик ҳаракатлар аёл либослар шаклининг ритмик ташкилланишида намоён бўлган. XX аср ҳаёт муҳитини ўз ичига олган жўшқин ритм ва темпли рақслар орқали мода йўналишида функционал, эркин ҳаракатларни ташкиллаб берувчи енгил кийим тасдиқланди.

Икки санъатнинг табиий бирлиги рақс ва либос пластикаси – ушбу санъат ижодкорлари ўртасида мустаҳкам ришталар ўрнатилишига сабаб бўлган. Шундай ижодий ришталар буюк балерина Майя Плисецкая ва модельер Пьер Карденни боғлаб келди.

XX аср ўзбек рақс санъатига тараққиётида муҳим ўрин эгаллаган хореографлари раққоса Тамарахонимнинг рақс либоси маданияти кириб келишида ҳам ўрни катта бўлган. У “Менинг либосларим тарихи 1923-йилдан бошланади. Мен ўша вақтда умуман либосларнинг ўрни ва аҳамиятини ҳали ўзим ҳам тўлиқ идрок этмаган эдим. Ёшлигимдан мени Марғилон бозорида миллий либослар, мис идишлар, каштачилик санъати ва заргарлик буюмлари ўзига мафтун этган. Кўп соатлар давомида мен бозор расталари ораларида юриб, ажойиб сирға-балдоқ, сочпопуклар, балдак-узукларни томоша қилиб юрар эдим. Ушбу буюмлар қачонлардир кенда ҳам бўлиши, қолаверса мен ўзим ҳам уларни тақиб юришим ва миллионлаб томошабинларни ҳайратда қолдиришимни ҳам сира ўйламаган эдим” деб ёзиб қолдирган хотираларида. Дарҳақиқат, Тамарахоним ўзининг бой ва ранго-ранг сахнавий либосларини ҳаёти давомида тўплаб, каттагина мерос қолдирган. Бугунги кунда фаолият олиб бораётган “Тамарахоним” уй-музейида мазкур либослар сақланмоқда.

М.Турғунбоева фаолиятида Тамарахоним нафақат рақс ижроси, сахналаштириш маҳорати борасида, балки рақс либослари танлашда ҳам ўзгаришлар кўрсатган.

Бугунги кун ўзбек миллий рақс санъати либослари сахна маданияти, рақсаси, балки ижодкор раққосанинг сахна ҳаракатларини ёрқин ва гўзал кўришида катта аҳамият касб этмоқда.

М.Турғунбоева яратган ёрқин рақсларнинг сахнавий образ доираси, рақсларнинг ифодавий ва бадиийлик томонини ёритишда санъаткорнинг рақс дид билан сахнага олиб чиққан либосларининг аҳамияти каттадир. Унинг паллада М.Турғунбоева ҳаёти давомида тўплаб яратган рақс либослари мисолида унинг серкирра истеъдоди намоён бўлади. Унинг рақс санъати ўрганилганда раққоса, балетмейстер, пардозчи ва тикувчи, рақс танловчиси ва этнограф, сезгир ва кузатувчан рассом каби серкирра истеъдодли рақсаси сифатида янги қирралари намоён бўлади.

М.Турғунбоева юксак дид ва ижрочилик салоҳияти, миллий ва халқ халқлари рақсларнинг табиати, жанр, услубий ва тавсифий рақсларини чуқур идрок қилиш қобилияти, раққоса репертуаридан ўрин олган кўплаб либосларга ўта талабчанлик билан ёндашишга ва бунинг натижасида бадиий образни тўлдирувчи бетакрор, қулай, ёрқин сахнавий либослар яратилишига асос бўлди.

М.Турғунбоева рақс либосларини сахналаштириш жараёни билан рақснинг таҳлил қилиб, унинг ечимини рақснинг пластик ечими билан рақсасига боғлиқ ҳолда ҳал этган. Зеро, сахнавий рақс томошабинлар учун рақснинг бир кўриниши бўлмаслиги, рақс либослари ҳам ўзининг рақснинг қоидалари билан бадиий ғояга бўйинсиндирилиши талаб этилади.

М.Турғунбоева сахнада халқ рақсини сахналаштиришдан аввал халқ рақсасини ва удумларини, ҳаёти ва турмуш тарзини, ҳудудий жойлашувини рақсда эътиборга олган. Сахнавий рақс кўйилишида рақснинг асосий рақсаси, фикри, ижро этиш услуби ва бу борада миллий либос ўзига хослиги

колорити муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳамиша ҳисобга олган. Унинг эволюциясида либос ҳам хореография санъатининг эволюцияси каби ўзгариб, ривожланиб борган.

М.Турғунбоева халқ рақс либосларини яратишда жуда эҳтиёткорлик билан иш олиб борган, чунки либоснинг оғзаки матни йўқ ва унинг ғашавий белгисига, безакларига, рангига асосий куч юкланади.

Хореографиянинг бошқа жанрлари каби халқ рақсларида либос персонажлар тавсифини бериб, тарихий, ижтимоий, миллий, индивидуал белгиларини очиб беради. Шу билан бирга бу либослар рақс талабларига қароб бериб, енгил, рақс учун қулай, ҳаракатлар эркинлиги учун имконият қилувчи ва тана пластикасини ёритишга мўлжалланган бўлиши талаб қилади.

Халқ рақсида либос конкрет қаҳрамонлар либоси бўлиб, номернинг маънавий ечими бўлаги сифатида уни декорация билан ўзаро колористик-контраст мутаносиблиги, яхлит сурат ичига жонли киритилиши каби талабларни ўтайди.

М.Турғунбоева либосларни рақснинг ҳаракат қилувчи тасвирий элементлари сифатида белгилайди. Шу боис, у рақсга ҳам динамик бошчилик киритиши мумкин. Шу маънода либос М.Турғунбоева ижодида тасвирий санъат ва мусиқа ўртасида сахналаштирилаётган хореографиянинг боғлаш элементига айланди.

Бугунги кунда либос борасида, эҳтиёткорона муносабатда бўлиш зарур. Саҳнавий талқинда сахналаштирувчи балетмейстер рақс либосининг бичими, кийиш вақти, долзарблигини инобатга олиши лозим. Шу билан бирга суратни янада бой этиш, безатиш, янги талқин қилиб ўзгариш муҳимдир. Аммо халқ рақс либоси ичига унга монанд бўлмаган, услуби зид бўлган элементларни киритиш мумкин эмас. Барча "Ҳақиқатлар" халқ либосининг фольклор асоси билан боғлиқ бўлиши зарур.

Миллий рақсда халқнинг тарихий, ижтимоий яшаш шарт-шароитлари, меҳнат кўникмалари, удумлари, маросимлари, фольклори ёрқин аксини топади. Буни билган ижодий жамоа у ёки бу рақсни талқинида оригиналга яқинлаштириб, талқин қилишга ҳаракат қилади.

М.Турғунбоева рақсларининг муваффақияти тўғри ва чиройли бажарилган либос билан ҳам ажралиб туради. Ўз навбатида унинг либослари рақсга ёрқин эмоционал тус, миллий ўзига хослигини белгилаб берди. Сахнавий либослари миллий кийим асосида яратилди. Миллий либос-халқнинг тарихий ривожига ва бадиий ижодиётининг солномасидир. Моддий маданиятнинг мустаҳкам элементи сифатида қадимдан у фақат этник ва жуғрофий белгиларни билдирган: унда халқнинг диний эътиқоди, моддий ҳолати, ижтимоий ва иқтисодий даражаси акс этган.

М.Турғунбоева “Баҳор” рақс ансамбли жамоаси билан кўпгина чет эл сафарларида бўлиб, ўзбек рақс санъати ва маданиятини намойиш этди. Шунингдек, мезбон мамлакатнинг рақсларини ҳам маҳорат билан ижро қилди, бу нафақат ижро, балки ўша ижро этилган рақс либослари яратилиши ва тўғри танланиши билан ҳам мухлисларнинг эътирофига сазовор бўлди. Бу М.Турғунбоеванинг либос бўйича рассомлари ва тикувчилари тарихий билимлари кенг, жаҳон халқлари урф-одат ва санъатларини, этник хусусиятини яхши билганлигидан далолат беради.

М.Турғунбоева “Пилла”, “Пахта” сингари халқ рақсларида акс этиладиган меҳнат жараёнларини ижрода намойиш этишда раққосалар имкониятларини алоҳида эътиборга олган ва махсус маҳорат, ижро услуби талабига мос либослар яратишга алоҳида эътибор қаратган. Зеро, меҳнат рақслари ўзига хос сахна либоси яратилишини талаб этади. Шунингдек, яшаш шароити ва табиат иқлими либоснинг ташқи кўринишига, матони танлашга, уни бичимини келтиришга, тикилишига ва ҳатто кийиниш маданиятиг ҳам таъсири доимий равишда М.Турғунбоеванинг ўз назоратида бўлган.

М.Турғунбоева халқ либосларининг амалиётда бажарган одатий вазифаларидан чекиниб, унинг энг муҳим томонлари – орнамент, ўзига хос шаклчилиги, бичиш ва тикилишининг ўзига хос хусусиятларини кучайтиришга интилган. У либосни яратишда рақс ва фольклор-этнографик материални уйғунлигини топишга ҳаракат қилган.

Балет санъати ўзининг бир неча асрлик тарихи давомида ўз сафиغا шайъат, амалий санъат, тасвирий санъат, архитектурани жалб қилиб, катта ҳақиқатларга эришган. Жумладан, балет либосининг чизмалари бойитилиб, либос яратилишида янги талқинлар, мавзулар, матоларни бадиий ишлатиш усуллари ишлаб чиқилди.

Балет либосларига нисбатан халқ рақслари учун яратилган сахнавий либосларда ўзга санъатларнинг таъсири камдир.

Бугунги кунда сахнавий халқ рақс либослари фақат ташқи кўринишдан халқ либосига ўхшаш қилиб бажарилмоқда. Бу борада миллий либос сахнавий либослар учун андоза сифатида хизмат қилиши катта аҳамият касб этди.

Либослар халқ рақсларини сахналаштираётган балетмейстер томонидан танланади. Либос эффектини кучайтириш мақсадида либос қийинлиги ва унда ўзини тутишни ҳам билиши лозим. Ижрочи либосга ўрганиб ва ижро этмоқчи бўлган номерни руҳияти ва тавсифий белгиларини янада чуқурроқ ҳис қилишга ёрдам бериши керак.

М.Турғунбоева либоснинг ранг ечимида бир неча омилларга – рақс кайфияти, жуғрофий белгиси, тарихий давр ва ижтимоий табақага мансублигига эътибор берган.

Дастаб сахналаштирилаётган асарда қайси ранг асосий қайсилари иккиламчи вазифани, ёки ривож жараёнида қайси ранглар кучайишини қай даражада бажарилиши лозимлигини аниқлаб олишга ҳам катта аҳамият берган.

М.Турғунбоева либос борасидаги энг катта мероси ҳам унинг замонавий рақслар саҳналаштириши натижасида юзага келди. Оммавий рақсларда либос бир рангда берилишига аҳамият берди, бу уларни эстетиклигини таъминлашга кўмаклашиб, ранглар гуруҳлар бўйича бўлиниб, ҳар бир рақснинг сурат композицияни яратиб беришида катта аҳамият касб этган. Катта саҳнада эса ранглар ечими орқали яққалон ижрочиларга эътиборни қаратишни осонлаштиришини инобатга олган.

М.Турғунбоева саҳна ёруғлигида либосларнинг ранги кундузги рақслардан фарқ қилишини, (масалан, ниҳоятта кучли ёруғлик мато рақсини оч қилиб беради) алоҳида эътиборга олиб, рақснинг колористик таъминини муваффақиятли белгилаган.

М.Турғунбоева саҳнавий либослари бевосита саҳнада тақдим қилинишига мўлжалланган бўлиб, амалий либослардан фарқли ўларок сўзгазмали, ёркинлиги ва услубларга мойиллиги билан ажралиб туради. Саҳнавий либослар орқали раққос ва раққосалар тақдим этаётган рақснинг тарихий, миллий, тимсолий ечимини ҳар томонлама очиб беришга ҳаракат қилган.

Одатда либослар ҳар кунлик ҳаётимизда фойдаланишга қаратилгани боис, унинг сифати энг аввало, тикилган матонинг сифати, тикилиш таҳорати, пишшиқлиги билан аниқланади. Саҳнавий либослар фақат саҳна эстетикаси билан чегараланиши боис асосий урғу раққоса яратиб бермоқчи бўлган гоёга монанд услубда ишланиши муҳимдир.

Замонавий саҳна либосини ишлаб чиқишда у бажариши лозим бўлган асосий вазифалар образни ёркин кўрсатиб беришда муҳимдир.

Рақс либослари ҳам саҳнавий образнинг муҳим компонентидир. Унинг ёрдамида нафақат қаҳрамоннинг характери, балки тарихий, миллий, маданий, миллий маданий ўзига хослигини ёритиш мумкин.

Либос саҳнавий образни табиий ҳолда тўлдириб, тарихий рақсларда тарих ва давлатига монанд бўлиши лозим, замонавий рақсларида эса охириги

қолда талабларида бажарилиши лозим. Либос у ёки бу рақс қаҳрамонининг миллий ўзига хослиги, ижтимоий даражаси, балки унинг шахсий диди, индивидуал ва эстетик қарашлари, қолаверса давр тамоилларини акс эттиришга қодир.

М.Турғунбоева сахналаштирган рақс спектаклларида либоснинг эстетик этилатган рақс жанри ва шаклига алоҳида эътибор берган. Шунингдек, режиссёр ва рассом талқини ҳамда талқин этилатган рақосанинг ҳаракатига қараб зарурий ўзгартиришлар ҳам киритиб борган. Турли жанрдаги рақслар масалан (опера, балет, оперетта, шоу, мюзикл) ҳаётни сақлаган ҳолда ёрқин ва аниқ бажарилиши лозим. Мусиқий театр ҳақиқати томошабинлардан анча узоқ бўлиб оркестр чуқурлиги билан қаратилади ва бу ерда рақосанинг юзи, драматик спектаклдаги актёрларга қарабатиб қўйилган кўринмайди. Хажвий, юмористик рақсларда сахна либослари қўшни равишда бўртирилиб, рақс ва қаҳрамоннинг хажвий белгиларини қўйиш этишга қаратилади.

Ҳозирги кунда сахна либослар бўйича рассомлар ва сахналаштирувчи режиссёрлар ташқи безатиш воситаларни қўйишга интилади ва бу борада “натурализм” дан ҳолис бўлиш ҳақиқатида либоснинг соф тарихий, миллий белгиларини аниқ кўрсатишга интилмайдилар.

Бугунги замонавий жараёнларда сахна либосларини яратувчи рассомлар либос тарихи ва унинг хусусияти билан боғлиқ бўлган катта маълумот эгаси бўлиши талаб этилади. Фақат ҳар томонлама чуқур ўйлашганига либос образининг мукамал чиқишига асос бўлади.

Рассом – пардозчилар ҳам рақс либосини ранг палитрасини инобатга олиб рақосанинг пардозини белгилайди: ёрқин кўзлар, қош бўёқлари, либоснинг ранг палитраси ва ҳоказолар. Пардоз либос қаби рақс образини қўйишга ва янада ёрқинроқ очиб беришга ҳизмат қилиши лозим. Хусусан, пардоз ва либос ўзаро бир-бирига муносиб бўлиб, рақснинг

Тамсолий тизимини очиб беришга кўмаклашиши зарур, акс ҳолда бадиий мувозанат бузилади. Тўғри яратилган либос, пардоз, бош кийим ва аксессуарлар қахрамонни миллий, тарихий, ижтимоий образини тўла қонли тўлдириб, рақс ғоясини очиб беради. Бунда пардоз ҳам либос жанрига мувофиқ бўлиши талаб этилади.

М.Турғунбоева либосларни яратишда бир неча касб эгалари – тикувчи, бичувчи, этикдўз, технолог, конструктор, каштачи, модельер, дизайнерлар иштирок этишган. Улар ҳар бири либосни яхлит компонентларини яратишда ўз хиссаларини қўшишган. Бирок, образни ҳунарга келтириш либосни кийган артистнинг ижро маҳоратига боғлиқ бўлиб қолган ва қолаверади.

Саҳнага миллий либосда чикган раққос (раққоса) ўзини ташқи кўриниши ва ҳаракатлар феъл-атвори орқали нафақат миллий санъат мунасини кўрсатиши, балки ушбу юксак мақсадни очиб беришга қодир бўлган образни ярата олиши лозим. Бунда, рақс санъати ижрочилари учун яратилган саҳнавий либос энг аввало енгил ва инсон ҳаракатларини текламаслиги муҳим аҳамият касб этади.

М.Турғунбоева либоснинг “серқатламлиги”га кўпроқ, айрим деталларни бир бирига тикилиши йўли орқали эришган. Лекин либос танчалик чиройли ва рангин бўлмасин, ижрочини асосий мақсадидан узоқлаштирмаслигига ҳаракат қилинган.

М.Турғунбоева ўзи саҳналаштирган рақслари учун либос танлар экан асар услуби, жанр белгиси, ўзининг дидига мос ва энг муҳими ушбу рақсни ижро этувчи раққосанинг имкониятларини ҳисобга олиб яратган. Либослар ёки тақинчоқлар чиройли саҳналаштирилган рақсни бўғиб, бузиб ташламаслигига катта аҳамият берган. Шунингдек, рақс либосларидан ҳам ижронинг қайси рақс мактабига тааллуқли эканини томошабин англаб олиши мумкин бўлган.

Рақс либосларини танлашнинг асосий шартини унинг мактаби ва маънавияти бўлса, яна бир шарт-рақснинг ижро этувчи раққоса ёки раққосанинг ташқи кўринишини ҳам ҳисобга олишдир. Либослар танловининг бўй-бастини, рангига мос келишини ўйлаб либос танланган.

Маълумки, ўзбек миллий рақс санъат намуналари асосий уч маънавияшга таснифланишидан ташқари ичида мумтоз, лирик, фольклор, тарихонавий жанрларга ҳам эга. Бу жанрлардаги рақс либослари ва танловинчолари ҳам бир биридан фарқ қилади. Камзул билан узун халатни, дўппи билан пешонабандни, билакузук билан зангни аралаштириб танловинчоларга, зебигардон ва туморнинг ўрнига мунчоқ тақиб каби танловинчоларга йўл қўйилмаслиги керак. Балетмейстер бу борада, ҳар бир рақснинг либосини, танловинчоларнинг моҳиятини, уларнинг услубий, тарихий асосини яхши билиши лозим. Сочга тақилган жамалак, оёқ кийим-туфли ёки ковуш жанрга мувофиқ танлаб олинади. Акс ҳолда бачканалик, танловинчоларга зебу-зийнат томошабинлар эътиборини рақснинг асосий маънавияшдан четлатади. Яъни рақсларга тўғри либос танлаш томошабинлар танловинини шакллантириш ҳамда рақснинг тарихий ва услубий табиатини танловинчоларга идрок этишга хизмат қилади.

Либослардаги бу сингари маъно-мазмун бошқа халқ рақсларида ҳам танловинчоларга фодаланилади. Жумладан, тулки терисидан ишланган бош кийимлари танловинчолар рақсларида кенг қўлланилиб, бу ҳам маълум бир образни яратишга, рақс характерини очиб беришга белги бўлади. Тулки – бу айёрлик рамзи бўлиб, рақсда аёлларнинг ўзига хос ноз-карашмаларини айёронга намоён этишда аҳамият касб этган. Бунда қўлларнинг ҳаракатлардаги нозиклик, раққосанинг оҳисталик билан ҳаракатланишлари уйғунлик касб этган.

Мукаррама Турғубоевнинг “Баҳор” ансамблидаги рақсбарлик қилган танловинчоларни эслаб шоғирди Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева шундай дейди: “Рақс сахналаштириш жараёнида Мукаррама опа доирачи Раҳрамон ака, мусиқа рақсбари Бахтиёр Алиев, давлат мукофоти лауреати,

Энда Куриш деган либослар бўйича рассом, албатта бастакор ва ўзлари
хатликда иш бошлар эдилар. Костюмга келсак, унинг характери
учун, рақсинг ритмига, либос ҳаракатланишга ҳалақит
слигига ва шу рақс қайси миллатга мансублиги эътиборга олинган.
ом ҳар бир чизгиларини М.Турғунбоевага кўрсатиб, маслаҳатлашар

М.Турғунбоева ҳудудий либосларга жуда катта эътибор берганлар.
икса, рақс мактабларининг либосларига. Бу Бухороча рақс бўлса,
Бухоро услубининг пешонабанд у албатта тепа қисми берк бўлиши
бўлиб, зарли чўпонга, лозимнинг жиякларига ва тақинчоқларига дид
ендошганлар. Бухоро зебигардони тангасимон кўринишда бўлган,
ларда билакузук ва занг тақилган бўлишига алоҳида эътибор берган.

Хоразм либосларида бош кийими доирасимон, бир томонига пат
рилган ва айлана бўйлаб тангачалар осилган. Эғнида енги калта
ит, ички томони Хива адраси билан қавилган, оқ енги узун кўйлак.
инчоқлардан Хоразм зебигардони, учбурчак балдоқли сирға, қўлида
нг ва билакузук бўлган.

Фарғона ва Тошкент либослари бир-бирига жуда яқин бўлиб, бошга
ўралади ёки тиллақош тақилади. Кўйлақлар матосига адрас, атлас ва
самлардан кенг фойдаланишган. Фарғона беқасамининг бошқа вилоят
самларидан фарқи унинг турланишида, чизикларнинг ўлчами бир хил
иб, 2,5 – 3 см катта бўлмаган. Ранглари мовий, яшил, оқ ва пушти
ларда бўлган. М.Турғунбоева сахналаштирган “Тошкент баёти”
сининг либосдаги адрасни махсус буюртма асосида тўқилган, унинг
роқлари йирик қилиб ишланган. Чунки сахнада либоснинг майда гуллар
безаклари кўринмайди.

Маъмура Эргашева устози М.Турғунбоевани юксак дид соҳибаси
лигини, ўзбек рақс санъати анъаналарини, ўз рақсларида аёллар

фотини сақлашга ҳаракат қилганларини, либосдаги майда элементлар
дан тортиб, то соч турмагигача эътибор берганларини таъкидлаб
дилар.

Рақсларни эркаклар даврасида эркаклар, аёллар даврасида аёллар
қилишган, чунки ўша даврнинг шариат қонунлари шуни таъказо
ган. Ўтмишда либослар жуда катта аҳамият касб қилган. Бир инсон ўзи
нотаниш инсонни учратганда, у ҳақидаги маълумотни унинг либосига
билиб олган. Либоснинг безакларга қараб унинг қайси уруғга
қўблигини, унинг касбини ва унинг оилавий ҳолатини билиш осон
ган.

3.2. Муқаррама Турғунбоева меросини сақлаш ва абдийлаштириш масаласи

“Ўзбек рақсининг маликаси” номли юксак эътирофга ва халқ сазовор бўлган М.Турғунбоева матбуот саҳифаларидан бирида “Мен ўлимдан қўрқмайман, чунки менинг ҳаётим рақсларимда акс этган. Рақсим эса абдий ва барҳаётдир, менинг шогирдларим рақсларимни ҳар қандай ҳолатда ҳам эйтириб, келажак авлодга етказдилар” деб айтган эди. Бир неча йиллар ўтмоқдаки, ушбу фикрни нақадар тўғри эканлигини тан олимларимизнинг иложи йўқ. Инчунун, М.Турғунбоева рақсларида ҳамон рақснинг келмоқда. Бугунги кун рақс санъати амалиёти билан шуғулланувчи рақсчиларнинг бир рақс устаси борки М.Турғунбоевани ўзига маънавий устоз деб аташади.

XX аср ўзбек миллий рақс санъатининг бадиий қиёфасини яратишда Абдуфтоҳон қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Тамарахоним сингари рақсчиларнинг бир неча рақс санъати билимдонлари бор, бироқ, ўзбек миллий рақс санъати намуналари тадқиқ ва таҳлил жараёнларида муҳим асос сифатида М.Турғунбоева ижодига кенг муносабат этилади.

Шуни ҳам тўғри англамоқ керакки, М.Турғунбоева ижоди ҳамма рақсчиларга жавоб берадиган, шаклан ва мазмунан қатъий бўлган қонун-қоидалар эмас. Агар шундай бўлганда рақс санъати ривожланмаслиги табиқий натижага айланиб қоларди. Сабаби, нафақат рақс, балки барча санъат турлари ва жанрлари ўз тараққиёти давомида ўзгаришга бўлган қайсидир шакл ва мазмунни қисман четлаши, баъзи ҳолларда бутунлай инкор этиши мумкин. Шу боисдан миллий рақс мероси масаласида эҳтиёткорона муносабатда бўлиш лозим. Бугунги ижодий жараёнлар янги шакл ва услуб яратишга интилиши, бу борада рақс санъатига янгиликлар олиб кириши бор ҳақиқат. Бироқ, мавжуд ижодий жараёнлар миллий рақс меросимизни булғашгани эмас. Ҳар қандай ижодий жараён ҳақли равишда айни дамда мавжудлик касб этади ва тарихда қолади, бироқ, орадан ўтган йиллар

раққосалар фаолият юритишади. Қорақалпоғистон Республикаси ва
лоятларда 16 та рақс жамоалари мавжуд бўлиб, уларда 400 га
санъаткорлар ижод қилмоқда. Шунингдек, А.Навоий, Муқимий,
Бердақ номидаги мусиқали театрлар ҳамда Тошкент оперетта театрида
150 дан ортиқ раққос ва раққосалар, балет артистлари меҳнат
қилмоқдалар. Табиийки, бундай вазиятда барча рақс жамоаларини умумий
бир ўзанга бирлаштириб бўлмайди ва бу тўғри ҳам эмас. Фақатгина,
бундаментал рақс таълимида қатъий талаблар шакллантириш, барча
раққосаларга ўзбек рақс “алифбоси”дан сабоқ бериш лозим. Шу маънода
бугунги кунда М.Турғунбоева меросига ворислик масаласи ўз аҳамиятини
қанда яққолроқ намоён этади.

Мамлакатимизда миллий рақс қиёфасини сақлаб қолиш борасида
қўшгина ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт
сўҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги ПФ-4956-сонли фармони 4-бандига асосан “Ўзбекнаво”
қстрада бирлашмаси ва “Ўзбекракс” миллий рақс бирлашмаси негизида
“Ўзбекконцерт” давлат муассасаси ташкил этилиб, Муассаса таркибида
қўшгина бўлим – Рақс ва хореография санъати фаолиятини ривожлантириш ва
қўшқил этиш бўлими фаолияти йўлга қўйилди. Унинг мақсад ва
қўшқиллари, келажакда амалга ошириладиган ишлари белгилаб олинди.

Соҳани ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилаётган
бўлсада, бугунги рақс санъатини кониқарли деб бўлмайди. Буни кейинги
қўшқилларда оммавий ахборот воситаларида миллий рақс санъатига доир чоп
қилинган танқидий мақолалар ва телекўрсатувлардаги мулоҳазаларда,
бугунги кунда рақс санъатининг нуфузи тушиб бораётганлиги, соҳада
қўшқилминини кутаётган бир қатор камчилик ва муаммолар кўзга
қўшқилланаётганлиги, шунингдек, ҳудудларга хос рақс услублари ўзаро

Кришиб, рақс санъатининг миллий хусусиятлари йўқолиб бораётганлиги
Кскин танкид қилинаётганлигидан билиш қийин эмас.

Бу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида, Ўзбекистон
Республикаси Маданият вазирлиги “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси
Томонидан “Миллий рақс санъатининг ривожланиш тарихи, долзарб
Муаммолари ва замонавий концепциялари” мавзусидаги илмий-амалий
Конференция ташкил этилди. Бироқ, конференция доирасида ўқиб
Киттирилган илмий мақолалар бугунги кун миллий рақс санъатидаги
Кажуд камчиликларни бартараф этишга қандай кўмак бермоқда? Ёки бу
Қордаги илмий анжуманлар “Президент Қарори эътибордан четда эмас,
Қилар амалга оширилаяпти” мазмунидаги муносабатми? Бундай фикрга
Кавшимизга асосий сабаб амалий натижаларнинг қониқарли
Каслигидадир.

Миллий рақс санъати билан боғлиқ бир қанча Қарор, Фармон ва
Қарар қарарлар бўлса, уларнинг барчасида танқидий ёндашув,
М.Турғунбоева меросини сақлаш ва келажак авлодга софлигича етказиш
Қасаласи ўртага чиқади. Аниқ мақсад ва вазифалар белгиланади. Тўғри,
Қақс санъатида М.Турғунбоева меросини сақланиши борасида аниқ ечим
Қосиндан бошқа Қарорда белгиланган кўпгина вазифалар амалга
Қирилади. Бу мулоҳазалар ўз навбатида миллий рақс мероси сақланиши
Қасидаги муаммоларни нақадар оғир эканлигини кўрсатади ва шу
Қинда бошқа бир мулоҳазага чорлайди кишини. Яъни, жамиятнинг барча
Қиларида, хусусан, маданият ва санъат соҳасида ҳам маълум бир ижодий
Қасатиш ва қанчадир вақт ўтгандан сўнг ғоявий ва мазмунан сустлик
Қазага келиши тарихан ўз исботини топган. Чунки, ҳеч бир вазиятда
Қанъатни маълум бир юксак чўққида ушлаб туришнинг имкони йўқ. Балки
Қугунги жараёнлар, рақс санъати борасидаги изланишлар ўз самарасини
Қириши учун маълум вақт керакдир. Бугунги кун ўзбек театр, кино

сўзатларида ҳам депсинишлар бораётгани маълум-ку. Демак масалага эътибор берилди, деган фикрдамиз.

М.Турғунбоева номини абадийлаштириш ва унинг меросини сақлаш масаласида ишлар кўп йиллар аввал бошланган. Жумладан, М.Турғунбоева 1957 йили Ўзбекистон ССР халқ артисти, 1959 йили СССР халқ артисти унвонлари билан тақдирланган. 1976 йили Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотлари лауреатига сазовор бўлган.

М.Турғунбоева ташкил этган “Баҳор” ракс ансамблининг 3 йиллик фаолиятидан сўнг, яъни 1960 йили “Ўзбек халқ ансамбли” номига сазовор бўлиши ҳам унинг меҳнати ва муваффақиятларининг эътирофидир. Зеро, мазкур ансамбль дунё бўйлаб ўзбек номини тараннум этган.

1978 йили, М.Турғунбоева вафот этгандан сўнг, унинг саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган ансамблга машҳур раққосанинг номи берилиши унинг номини абадийлаштиришдаги дадил қадам ва катта шараф ва эътибор рамзи ҳамдир.

1962 йили Мукаррама Турғунбоева ҳаёти ва ижодига бағишланган “Салом, Баҳор”, 1971 йили “Санъатга бағишланган умр”, истиқлол йилларида – 1997 йили “Мукаррама опа ва қирқ гўзал” фильмлари шундан. Мазкур фильмлар М.Турғунбоева бой ижодий меросини ёритишга қаратилган эди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач Мукаррама Турғунбоева меросини асраш ва унинг номини абадийлаштириш борасида талайгина ишлар олиб борилди. Республикамиз томонидан қабул қилинган бир қатор қарор ва фармонларида ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўтилди. Тошкент кўчаларидан бирига Мукаррама Турғунбоева номи берилди.

Мукаррама Турғунбоева ижодий мероси ва фаолиятини сақлаш ва тарғиб қилишни кенг йўлга қўйиш мақсадида 1993 йили 10 сентябрда “Мукаррама Турғунбоева” номидаги уй-музейи очилди.

III боб бўйича хулоса

Санъат турлари ичида рақс ўзининг жозибаси, нафислиги билан ҳаққонда ажралиб туради. Бугунги кунда ўзбек миллий рақс санъатини миллий-маданий меросимизнинг ажралмас қисми, деб айта оламиз.

XX аср ўзбек профессионал рақс санъати мактаби яралиши ва тарқалишида М.Турғунбоевнинг сахна либоси борасидаги ишлари катта аҳамият касб этган. Бунда М.Турғунбоева кийиниш маданиятининг асрлар давомида шаклланиб, маъно ва мазмун касб этган элементларини сахнага олиб чиқди. Ундаги маъно-мазмунлардан тўғри фойдаланишга доир фикр-мулоҳазалар олиб борди.

Унинг либос борасидаги кузатувлари, жумладан водий ва Тошкентда рақсчилар билакузукни кафтга яқинроқ тақиши, Бухоро ва Хоразмда аёллар билакузукни билакда тақиши қабилага эътиборлилиги ҳар бир ҳудудга кас элементлардан тўғри фойдаланиш этикасини мерос қолдирди. Рақсларида ҳатто аёллар соч ўрами ҳам назардан четда қолмаганлиги, бу рақсларнинг оилавий ҳолатини белгилашида муҳим омил эканлиги ўз вақтида тўғри англаш ва рақсларда маъно ва мазмун ифодалашда аҳамият касб этган эди.

Шундай қилиб, ўзбек халқининг рақс либослари М.Турғунбоева ҳақида самараси ўлароқ, рақс маданиятимизнинг ажралмас қисмига айланди. Бугунги кунда М.Турғунбоева меросини сақлаш ва унга ворислик масаласи доирасида унинг рақс либослари борасидаги ютуқлари ҳам эътирофга лойиқ ва ўз ўрнини йўқотмайди.

М.Турғунбоевнинг рақс либослари борасидаги билимлари шаклланиши ва маҳорати тобланишида Тамарахонимнинг хизмати катта бўлганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб шитмоқ лозим.

ХУЛОСА

Мазкур магистрлик диссертацияси тадқиқотлари натижасига кўра куйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

Миллий рақс санъатимиз кўп минг йиллик тарихга эгадир. Тарихий аввалбалар ўзбек рақслари халқ ўйинлари, турли анъана ва қадриятлар, қадимлар асосида яшаб, бизнинг давримизгача етиб келганлигидан ҳаётга беради. XX асрда ўлкага профессионал театр санъатининг кириб келиши билан ўзбек миллий саҳна рақси пайдо бўлди ва ривожланди. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Тамарахоним сингари рақс билимдонларининг бу жараёнлардаги ўрни ва аҳамияти катта. Мукаррама Турғунбоева мана шу номлари қайд этилган устозлардан сабоқ олиб, рақс сирларини ўзлаштирди ва XX аср ўзбек миллий рақс санъатининг етук вакиласи сифатида шуҳрат қозонди.

М.Турғунбоевнинг рақс санъатига кириб келишида болалик даврлариданок қалбида ушбу санъатга бўлган муҳаббат сабаб бўлган. Шунингдек, болалик даврларидаги кейинчиликлар уни кўпроқ санъат оламига кириб боришига ва унда эрк, озодлик нашидасини топишга ундаган, дейиш мумкин.

М.Турғунбоева хореографиянинг уч соҳаси – рақс ижрочилиги, балетмейстерлик ва рақс педагогикаси билан ҳам шуғулланган ва ҳар қабҳада катта ютуқларни қўлга киритган. У дастлабки даврларда рақс ижрочиси сифатида танилади, мусиқали театр спектаклларида роллар ижро этади ва ўз маҳоратини тоблаб боради. Константин Бек ёрдамида “Пахта” балетини сахналаштириши унинг ижодида янги давр бошланишига сабаб бўлади.

М.Турғунбоев ташкил этган “Баҳор” рақс ансамбли XX аср нафақат ўзбек, балки жаҳон халқлари тарихида катта шов-шувга айланган ижодий жамоа бўлди. Ансамблнинг 200 дан ортиқ оммавий ва яққа рақслари

мавжуд бўлган. 1957 йилда ташкил этилган “Баҳор” ансамблини М.Турғунбоева умрининг охиригача, 1978 йилгача бошқариш жараёнида ансамбль ўзининг энг юксак ижодий чўккиларини забт этиб улгурган.

“Баҳор” ансамбли ўзбек миллий рақс санъати ривожланиши учун ўзига хос лаборатория вазифасини ўтаганини кўриш мумкин. Рақс ривожлантириш сирларини мукаммал ўзлаштирган М.Турғунбоева айнан шунан шу ансамблда ўз ижодий намуналарини синовдан ўткган, маҳоратли шоғирдлари ижросида мавжуд камчиликларни ўрганишга ва тўғрилашга қўшилган.

“Баҳор” ансамбли М.Турғунбоеванинг самарали меҳнати натижасида нафақат ўзбек, балки Ўрта Осиё халқларининг рақс борасидаги орзуларини амалга оширишга ва нафақат миллий, балки қардош халқлар рақсларини дунё сахнига олиб чиқишга мушарраф бўлди.

М.Турғунбоеванинг энг катта меҳнати шубҳасиз – ўлкамизда мавжуд бўлган 3 та Фарғона – Тошкент, Бухоро, Хоразм каби мактаблар фаолиятининг ўзига хос бўлган жиҳатларини фарқлаб, тизимлаштириб бергани бўлди.

М.Турғунбоева заҳматқаш, дили тошқин ижодкор, мохир раққоса, билим доираси кенг, камтар инсон ва ўзбек рақс санъатининг асосчиси сифатида ўзбек миллий рақс тарихида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлди. М.Турғунбоева қўлида етишиб чиққан бир қанча шоғирдлар унинг анъанасини давом эттирмоқда.

М.Турғунбоеванинг рақс либосидан фойдаланиш маданияти ҳам юксак бўлиб, унинг бу борадаги мероси бугунги кун рақс ижрочилигида катта аҳамият касб этмоқда. Унинг профессионал ижодий фаолияти, репертуарининг бойлиги ва рақснинг барча турлари билан шуғулланганлиги либос борасида ҳам маҳоратини тоблаган, дейиш мумкин. Унинг чет эл ижодий сафарлари жаҳон халқлари этник катлами,

аш тарзи ва шароити, либос маданияти борасидаги билимларини ширган. Зеро, М.Турғунбоева сахналаштирган чет эл рақсларида тегишли вакилларининг либоси юксак дид ва маҳорат билан ишланганлини кўриш мумкин.

Бугунги кунда М.Турғунбоеванинг бой меросини ҳар томонлама ўқур ўрганиш, асраб-авайлаш, унинг мумтоз рақслари асосида яшаб келаётган бой маданий меросни сақлаш ва ворисийлик масаласи катта аҳамият касб этмоқда.

Магистрлик диссертацияси тадқиқот натижаларига кўра қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

– М.Турғунбоева ижодий меросини доимий тадқиқ этиш ва натижаларини кенг жамоатчиликка етказиш;

– М.Турғунбоева рақс меросидан таълим жараёнларида кенг фойдаланиш;

– М.Турғунбоеванинг энг сара рақс намуналарини телевидение орқали доимий намойишларини йўлга қўйиш;

– М.Турғунбоева ижодий ишларини методик тўпламларда нашр эттириш ва таълимга жорий этиш;

– М.Турғунбоева меросини ўрганишга қаратилган илмий-амалий анжуманлар фаолиятини янада фаоллаштириш;

– Ҳар бир далаат рақс ансамбллари репертуарларида М.Турғунбоеванинг энг сара намуналари бўлиши лозим;

– ТДМРХОМ негизидаги махсус мактаб ўқув дастурига М.Турғунбоева ижодий намуналарини киритиш ва мазкур мероснинг ўқитилишини доимий назорат қилиш лозим. Шунингдек, 1993 йилдан буён ўтказилиб келинаётган М.Турғунбоева номидаги кўрик-танловни ташкил этишда шу вақтгача мавжуд бўлган мезонларни сақлаб қолиш ва савиясини ошириш бўйича қўшимчалар киритиш мавжуд муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам беради, деган умиддамиз

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2015 й.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 51-сон. – Тошкент: “Адолат” нашриёти, 2012 й.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. 7 октябрь 2013 йил (Ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

II. Ўзбекистон Республикаси Президент Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, таъмир қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури”ни тасдиқлаш тўғрисида 222 -сонли Қарори. 2010 йил, октябрь.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда миллий танас ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997 йил, 1-сон.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиштизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 июльдаги ПФ-4456-сонли Фармони.
- 2.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6 сон.
- 2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 1 июнь

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

- 3.1. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон нашриёти, 1994 й.
- 3.2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: “Шарк нашриёти”, 1998 й.
- 3.3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: “Маънавият” нашриёти, 2008 й.
- 3.4. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиш жоннасида. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2011 й.
- 3.5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017 й.
- 3.6. Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан қўқом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017 й.
- 3.7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон қулатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016 й.

IV. Асосий адабиётлар

- 4.1. Avdeyeva L.A. Ozbek Milliy raqsi tarixidan. –Тошкент: Mukarrama Turgunboeva nomidagi “O’zbekraqs” milliy raqs birlashmasi, 2001 у.
- 4.2. Авдеева Л.А. Мухитдин Кари-Якубов. (документальная биография). Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Г. Гуляма, 1984 г.
- 4.3. Авдеева Л.А. Мукарамма Турғунбоеванинг рақси. –Тошкент: Бобур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 й.
- 4.4. Авдеева Л.А. Танцевальное искусство Узбекистана. –Ташкент: Государственное издательство художественной литературы Узбекской ССР, 1966 г.

- 4.5. Каримова Р. Ферганский танец (методическое пособие). –Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1973 г.
- 4.6. Каримова Р. Харезмский танец. –Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1975 г.
- 4.7. Каримова Р. Бухарский танец (методическое пособие). –Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1977 й.
- 4.8. Каримова Р. Узбекские танцы в постановке Исахара Акилова. –Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1987 г.
- 4.9. Sayfullaeva D., Kazakbaeva Z. O'zbek raqs san'ati tarixi va raqs shahlashtirish sirlari. –Toshkent: "Voris nashriyoti", 2006 y.
- 4.10. Каримова Р. Танцы Равии Атаджоновой –Т: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма , 1983 . 166-б
- 4.11. Мухамедова Ў.Н. Уйғур халқ рақси (ўқув кўлланма) –Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Фан” нашриёти, 2009 й.
- 4.12. Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. –Тошкент: “Фан” нашриёти, 1968
- 4.13. Турсунов Т. Ўзбек театри тарихи. –Тошкент: “Янги аср авлоди” нашриёти, 2008 й.

V. Кўшимча адабиётлар.

- 5.1. Каримова Р., Собирова Ф. Нурсафардия харакатлар тизимида ўзбек миллий рақслари ва жанговар ўйинлари. –Тошкент: “Lider Gress” нашриёти, 2008 й.
- 5.2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004 й.
- 5.3. Абрайкулова Н. Рақс жамоаси билан ишлаш услубиёти. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003 й.
- 5.4. Сборник научных трудов Ташкентской государственной высшей школы национального танца и хореографии –Т.: “Star-poligraf” ХФ Босмахонасида босилди. -2009 й.

5.5. Глобаллашув жараёнида хореография санъати соҳасида илмийликни сақлаш муаммолари. Республика илмий –амалий анжумани материаллари тўплами. –Тошкент: Иктисод – молия нашриёти, 2012 й.

5.6. Шокиров У., Ашрафий Ф., Шокирова И. Ўзбекистон маданияти муаммолари. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001 й.

5.7. Мукарамма Турғунбоева ижоди ва унинг ўзбек сахна хореографияси ривож учун қўшган ҳиссаси. Илмий амалий анжумани материаллари. –Тошкент: “Mumtoz soz” нашриёти, 2014 й.

5.8. Ўзбек хореография санъатида ворислик масаласи. Республика илмий амалий анжумани материаллари. –Тошкент: “Mumtoz so'z”, 2015 й.

5.9. Матёкубова Р. Лазги –Тошкент: Гофур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1993 й.

5.10. Тамара Ханум. Моя жизнь. –Тошкент: Издательство национальной библиотеки Узбекистана им А.Навои, 2009 г.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

6.1. Горлина И. Из солнца и неба Узбекистана. Балет. –Москва, 2013-№-6 (183).-Б. 16-18.

6.2. . Горлина И. Танец-выражение души. Народное слово.-Ташкент, 2010-№ 61 (4946)-Б.4.

6.3. Лутфуллаев Х. Қўшиқ рақсга боғланса. Театр-Тошкент , 2013-№6-Б-11.

6.4. Муминова Н . За внешней легкостью парения. “Uzbekistan today”. –Ташкент, 2014-№-22 (405)-Б-7.

6.5. Пахрудинова К. “Тановар” сўзсиз қўшиқ. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –Тошкент. 2015-№-8 (4303).-Б.5

6.6. Рибар И. Узбекский танец: Путь к возрождению. Правда Востока.- Ташкент, 2013.- №-27 (27477). –Б. 4-5.

6.7. Сайдалиев К. Энергия движения в танец. Народное слово. – Ташкент, 2015 -№-9 (6162) .-Б-4.

6.8. Турғунбоева М. Рақс рақсга уланди. Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-Тошкент 2015-№-23 (4318). –Б-5.

6.9. Усанова Ш. Ёш тадқиқотчилар нигоҳида.Тошкент оқшоми.- Тошкент, 2013-№-98 (12409). – Б-3.

6.10. Қодиров М. Раққоса, Балетмейстер, Педагог. Театр. – Тошкент, 2012. - №-5-Б . 16-17.

6.11. Қодиров М. Яллачилар санъати. Санъат.-Ташкент, 2008-№ 3-4 Б-36-38.

VII. Интернет сайтлари

7.1. www.gov.uz

7.2. www.uza.uz

7.3. www.zivonet.uz

7.4. www.uzreport.com

7.5. www.infocom.uz

7.6. www.lex.uz

7.7. www.mrxom.uz

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ
МАКТАБИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 792.5(575.1)022

Ахмедова Зарина Ахмедовнанинг

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВА
ИЖОДИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕК РАҚС САНЪАТИДАГИ
АҲАМИЯТИ**

**5A151301- Хореография санъати ва хореография бўйича
Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
“Хореография санъати” кафедраси
профессори в.б., ф.ф.д. С.С.Агзамходжаева**

ТОШКЕНТ 2018 й.